Иш тури бўйича 작업별

Ишдан олдинги хавфсизлик техникаси текшируви
작업 전 안전점검

# Моторли юк ташиш транспорт воситаси
차량계 하역운반기계 작업

조심조심 코리아
작업전 안전점검
당신의 생명을 지킵니다

2016 - 교육미디어 - 833

Uzbekistan

Моторли юк ташиш транспорт воситалари сирасига вилкали юклагичлар, тележкалар ва юк машиналари киради. Бу моторли танспорт воситалари хавфли йўлаклар ва тезликни ошириш билан боғлиқ кўпгина бахтсиз ҳодисаларга сабаб бўлади.
차량계 하역운반기계는 지게차, 구내운반차, 화물자동차 등 주행 장치를 구비하고 있는 하역운반기계를 말하는 것으로, 통로 미확보, 과속 등 부딪힘 등에 의한 재해위험이 높다.

## » Хавфсизлик учун асосий хатарлар 주요 유해·위험 요인

- Нотекис йўл каби ташқи муҳит омиллари сабабли бундай юк ташиш транспортларининг думалаб ёки ағдарилиб кетиши
  차량계 하역운반기계 운행 중 노면 불량 등 작업장 조건에 따른 넘어짐 / 뒤집힘
- Тезликни ошириш ёки тажрибасиз ҳайдовчи бошқариши сабабли содир бўладиган тўқнашувлар
  무자격자에 의한 운행 중 과속, 운전 미숙에 의한 부딪힘, 끼임
- Иш ҳудудига кириш назорат қилинмагани сабабли пиёдалар билан тўқнашиш ёки уларни босиб кетиш
  작업반경 내 작업자 출입에 따른 부딪힘, 깔림
- Тавсия этилган юк вазни чекловига риоя қилинмаганлиги сабабли тўқнашишлар ёки крандан қулашлар
  허용하중 초과 적재·사용에 따른 맞음, 넘어짐




## Хавфсизлик тадбирлари рўйхати 안전점검 체크리스트

| Текшириш элементлари 점검항목 | Текшириш натижалари 점검결과 | Эхтиёт чоралари 조치사항 |
|---|---|---|
| Ишчи иш ҳудуди, иш тартиби, юк ташиш маршрути ва бошқариш усулларидан хабардорми? 작업장소 및 시간, 이동경로, 작업방법 등을 해당 근로자는 알고 있는가? | | |
| Иш ҳудудида бегона ёки киришга рухсати йўқ ходимлар йўқми? Киришни назорат қилиш учун иш координатори ёки сигнал берувчи тайинланганми? 작업장소 주변에 다른 근로자가 없으며 접근을 통제하고 있는가?(작업지휘자 또는 유도자 배치) | | |
| Юк ташиш йўлаги чўкиши ёки бузилиши хавфи борми? 작업경로에는 지반침하, 갓길 붕괴 등의 위험성이 없는가? | | |
| Иш ҳудудида тезлик чеклови белгиланганми? 작업장 내 운행속도에 대한 제한은 있는가? | | |
| Юк жойлаштирилганда мувозанати сақланадими? У тушиб кетмаслиги учун маҳкамланадими? 화물 적재 시 한쪽으로 치우치지 않도록 하고, 화물이 떨어지지 않도록 조치하였는가? | | |
| Моторли юк ташиш воситаларидан фақат кўзда тутилган мақсадларда (масалан, юк ташиш учун) фойдаланилаяптими? 화물의 적재·하역 등 주된 용도에만 사용하는가? | | |
| Таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш вақтида қисмларни йиғиш ва сочиш тартиби белгиланганми? Иш мувофиқлаштирилаяптими? Ҳимоя блокиратори ишлатилаяптими? 수리 또는 부속장치의 장착 및 해체작업을 하는 경우 작업순서를 결정하고 작업지휘하고, 안전블록 등을 사용하는가? | | |
| Юкни кўтариш учун ишлатилаётган трослар коррозияга учраган ёки зарарланганми? 손상, 부식 등 섬유로프 등의 짐걸이로 사용하지 않는가? | | |
| Ортиқча юк ортиш ҳоллари учраб турадими? 화물을 과적재하지 않는가? | | |
| Ортилган юк операторнинг кўриш майдонини чеклайдими? 적재된 화물이 운전자의 시야를 가리지 않는가? | | |
| 100 кгдан ортиқ юкларни ортиш ва тушириш учун координатор тайинланганми? 무게 100KG 이상인 화물 상 · 하차 작업 시 작업지휘자가 배치되어 있는가? | | |

산업재해예방 안전보건공단

# Моторли юк ташиш воситаларидан хавфсиз фойдаланиш
차량계 하역운반기계 작업 일반 안전조치

## Умумий хавфсизлик қоидалари 일반 준수사항

- Иш бошлашдан олдин супервайзер қуйидагиларни текшириши керак.
  작업을 시작하기 전에 관리감독자로 하여금 필요한 사항을 점검하도록 하여야 한다.

| | |
|---|---|
| Юк ишлари учун вилкали юклагичдан фойдаланиш 지게차를 사용하여 작업을 하는 때 | • Тормозлар, бошқариш элементлари, юкортиш функциялари ва гидравлик тизим ишлашини текширинг. 제동장치 및 조종장치, 하역장치 및 유압장치 기능의 이상 유무<br>• Шиналар, олд/орт чироқлар, бурилиш чироқлари ва товушли сигнал ишлашини текширинг. 바퀴의 이상 유무, 전조등·후미등·방향지시기 및 경보장치 기능의 이상 유무 |
| Юк ташиш ишлари учун моторли тележкадан фойдаланиш 구내 운반차를 사용하여 작업을 할 때 | • Тормозлар, бошқариш элементлари, юклаш функциялари ва гидравлик тизим ишлашини текширинг. 제동장치 및 조종장치, 하역장치 및 유압장치 기능의 이상 유무<br>• Шиналар, олд/орт чироқлар, бурилиш чироқлари ва товушли сигнал ишлашини текширинг. 바퀴, 전조등·후미등·방향지시기 및 경음기 기능의 이상 유무<br>• Кувватловчи блоклар ва ушлагичларни ишлашини текширинг. 충전장치를 포함한 홀더 등의 결합상태의 이상 유무 |
| Юк ташиш ишлари учун юк ташиш машинасидан фойдаланиш 화물자동차를 사용하는 작업을 하게 할 때 | • Тормозлар, бошқариш элементлари, юкортиш функциялари ва гидравлик тизим ишлашини текширинг. 제동장치 및 조종장치, 하역장치 및 유압장치의 기능<br>• Шиналар бутлигини текширинг 바퀴의 이상 유무 |

- Моторли юк ташиш воситаларида йўловчилар ўтириши мумкин эмас. Хавфсизлик учун таҳдид йўқ бўлгандагина бу қоидадан четга чиқиш мумкин.
  승차석이 아닌 위치에 근로자를 탑승시켜서는 안되며, 화물자동차 적재함에 근로자를 탑승시켜서는 아니 된다. 단, 화물자동차에 울 등 추락 방지하는 조치를 한 경우에는 제외
- Тегишли тезлик чеклови белгиланиб, унга моторли юк ташиш воситалари операторлари риоя қилишлари керак.
  작업장소에 적합한 제한속도를 정하고, 운전자로 하여금 준수하도록 하여야 한다.
- Ҳайдовчи машинани тарк этишидан олдин қуйидаги қоидаларга риоя қилиши керак.
  운전자가 운전위치를 이탈하는 경우 다음 사항을 준수하도록 하여야 한다.
  - Вилка ёки чўмични энг пастки позицияга тушириг.
    포크, 버킷, 디퍼 등의 장치를 가장 낮은 위치 또는 지면에 내려 둘 것
  - Моторни тўхтатинг ва бехосдан юриб кетишни олдини олиш учун тормозларни ишга солиб қўйинг.
    원동기를 정지시키고 브레이크를 확실히 거는 등 갑작스러운 주행이나 이탈을 방지하기 위한 조치를 할 것
  - Ҳайдовчи ўриндиғини тарк этишдан аввал ўт олдиргичдан калитни олиб қўйинг.
    운전석을 이탈하는 경우에는 시동키를 운전대에서 분리시킬 것
- Юк ёки бошқа юк ташувчи транспорт воситалари ёки ишчилар билан тўқнашиш хавфи бўлган ҳудудлардан ҳайдаманг.
  하역 또는 운반 중인 화물이나 그 차량계 하역운반기계에 접촉되어 근로자가 위험해질 우려가 있는 장소에는 출입시켜서는 아니 된다.
- Юк ташиш учун фақат моторли юк ташиш воситаларидан фойдаланиш керак.
  화물의 적재·하역 등 주된 용도에만 사용하여야 한다.
- Таъмирлаш, йиғиш, қисмларга ажратиш ишларидан олдин координаторни тайинланг ва белгиланган тартиб асосида ишни бажаринг. Ҳимоя таянчлари ёки блокларидан фойдаланиш ҳолатини текширинг.
  수리 또는 부속장치의 장착 및 해체작업을 하는 경우 지휘자를 지정하여 작업순서를 결정하고 작업을 지휘하고, 안전지주 또는 안전블록 등의 사용 상황 등을 점검하도록 한다.



Ишдан олдинги хавфсизлик техникаси текшируви
작업 전 안전점검

# Электр ускуналар ва жиҳозлар
전기기계기구

Иш тури бўйича 작업별

조심조심 코리아
작업전 안전점검
당신의 생명을 지킵니다
2016 - 교육미디어 - 834

Uzbekistan

"Электр ускуналар ва жиҳозлар" электр асбоб-ускунанинг таркибини ташкил қиладиган ёки электр асбоб-ускунага уланган қисмлар, қуролларни билдирувчи умумий атама.
전기기계·기구라 함은 전기설비의 일부로 사용되거나 전기설비에 접속되는 피팅, 전기기구, 조명기구 등을 총칭하는 일반적인 용어를 말한다.

### Хавфсизлик учун асосий хатарлар
주요 유해·위험 요인

- Электр ускуна ёки жиҳознинг ток ўтадиган очиқ қисми билан контакт натижасида юз берадиган электр токи уриши
  전기기계기구의 전기충전 노출부 접촉에 의한 감전
- Электр ускуна ёки жиҳознинг бузилган изоляциясидан сизиб чиққан электр токи уриши
  전기기계기구 절연파괴로 전기누전에 의한 감전
- Ерга уланмаган электр ускуна ёки жиҳознинг устки кожухидан электр токи уриши
  전기기계기구 외함 미접지로 인한 감전



## Умумий электр хавфсизлиги қоидалари
전기 사용에 따른 안전 수칙

### Умумий хавфсизлик 일반사항

- Алангаланувчи моддалар ва буюмларни электр токини ўчириб - ёқиш мосламаларидан узоқда тутинг.
  전기 스위치 부근에 인화성, 가연성 물질 등을 놓아서는 안된다.
- Кераксиз предметларни электр шчитидан узоқ сақланг.
  스위치함(분전반) 내부에 불필요한 물건을 보관해서는 안된다.
- Барча ўчириб - ёқиш элементларидан фойдаланувчилар гуруҳи ва унинг номини кўрсатинг.
  모든 스위치는 사용처, 이름을 명기해야 한다.
- Ускуна ва жиҳозлар техник хизмат кўрсатилаётган ёки текширилаётган ҳудудга бегоналар киришини олдини олиш учун ускуна ва жиҳозларга "Техник хизмат кўрсатилмоқда" ёзувини илинг.
  전기 수리 또는 점검할 때에는 "수리중", "점검중" 표시를 하고 관계자 이외는 출입금지를 시켜야 한다.
- Барча электр ускуналари ва жиҳозларида ерга улагичнинг мос турини ўрнатинг.
  모든 전기기계·기구에는 접지는 올바른 것을 확실하게 접속해야 한다.
- Ёнувчан моддаларни ўчириб - ёқиш мосламалари, электр шчитлар ва моторлардан узоқда сақланг.
  스위치, 배전반, 전동기 등 전기기계·기구에 가연성 물질이 닿지 않도록 한다.
- Уланиш жойи хавфсизлигига ишонч ҳосил қилиб ва ишончли уланишга эришилгандан кейингина ўчириб - ёқиш мосламаларини очинг ва ёпинг.
  스위치 개폐는 접속 부분의 안전을 확인하고 확실하게 접속한 다음 개폐해야 한다.
- Электр симларни рухсатсиз ўрнатманг.
  허가없이 임의로 전기 배선을 접속 사용하지 않는다.
- Носоз электр ускуналар ва жиҳозлардан фойдаланманг.
  결함이 있거나 작동상태가 불량한 전기기계·기구는 사용하지 않는다.
- Электр таъминот кабели вилкасини тармоқдан узишда вилкадан ушлаб тортинг. Кабелдан ушлаб тортманг.
  전원으로부터 플러그를 뽑을 때에는 선을 잡아 당기지 말고 플러그 전체를 잡아 당겨야 한다.

## Электр ускуналар ва жиҳозларни кундалик текшириш 전기기계·기구의 일상 점검 요령




- Намлик ёки ҳўллик бўлган жойда ишлатиладиган электр ускуналар ва жиҳозлар ерга уланган бўлиши керак.
  습기나 물기가 많은 곳에서 전기를 사용할 때에는 전기기계·기구에 접지 시설이 되어 있어야 하고 손과 발에 물기가 없어야 한다.
- Электр ускуналари ва жиҳозларга уланадиган сим ва кабелларнинг мосини танланг.
  전기기계·기구 사용을 위한 코드나 배선 기구는 용량과 규격에 맞는 것을 사용한다.
- Электр токи сизиб чиқиши натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган ёнғин ва электр токи урушини олдини олиш учун ойида камида бир марта электр токи ерга сизиб чиққанда занжирни узувчи мосламанинг синов тугмачаси ёрдамида унинг тўғри ишлашини текширинг.
  누전으로 인한 화재나 감전사고 예방의 기본 장치인 누전차단기는 월 1회 이상 시험 버튼으로 정상작동 여부를 확인한다.
- Электр токи сизиб чиқиши, қисқа туташув ёки ток уришини олдини олиш учун носозлиги аниқланган электр ускуна ёки жиҳозни алмаштиринг ёки таъмирланг.
  이상이 감지된 전기기계·기구는 누전, 합선, 감전사고의 위험이 매우 높으므로 반드시 개·보수하여 사용한다.
- Малакага эга бўлмаган ходимга электр жиҳозларини алмаштириш ёки таъмирлашга рухсат бериш катта хавф-хатар туғдириши мумкин. Бундай ишларни бажаришни доим электр жиҳозлари бўйича малакали мутахассисга юкланг.
  무자격자에게 전기 설비의 개·보수를 의뢰하는 경우 더 위험한 결과를 불러올 수 있으므로 반드시 관계자(전기담당)에 의뢰한다.

## Электр ишларида хавфсизлик техникаси 전기 안전 작업 요령

- Электр курилмани текширишдан олдин электр таъминотини ўчиринг ва барча электр вилкаларни тармоқдан узинг.
  장비를 점검하기 전에 전원 차단, 플러그가 있는 장비는 플러그를 뽑는다.
- Электр таъминотини ўчирганда изоляцияли қўлқоп кийинг ва ўнг қўлни ишлатинг. Юзингизни электр ўчириш қутисидан  узоқ тутиб, ричагни пастга тортинг.
  전원차단 시 가급적 절연장갑을 착용하고 오른손을 사용하며 얼굴을 스위치 상자로 향하지 않게 하고 손잡이를 내린다.
- Электр асбоб-ускуналарда ишлатиладиган қуроллар дастаги изоляция қилинган бўлиши керак.
  전기 설비를 작업할 때 공구나 비품의 손잡이는 절연체로 된 것을 사용한다.
- Электр ускуналар ва жиҳозларнинг электр токи ўтадиган қисмларини изоляция қилинг.
  전기기계·기구의 충전부 전기가 흐르는 부분은 절연을 한다.
- Электр манбаига уланган симлар занжирига рухсатсиз ўзгартириш киритманг.
  전원에 연결된 회로배선은 임의로 변경하지 않는다.
- Иш худудини тоза ва саранжом сақланг.
  작업공간은 충분히 확보하고 항상 청결하게 유지한다.
- Занжир маҳкам уланмаган бўлса, электр кабел вилкасини электр тармоғига уламанг.
  회로가 확실하게 연결되어 있지 않으면 플러그를 전원에 꼽지 않는다.
- Нам қўллар билан электр занжирга тегманг.
  젖은 손이나 물건으로 회로에 접촉하면 안된다.
- Электр ускунага уланган ерга улаш сими уланишини текширинг.
  전기 설비에 연결된 접지선의 접속을 확인한다.
- Узайтириш симларини имкон қадар қисқарок қилинг.
  전원 연장선은 최소한으로 가능한 짧게 사용한다.
- Электр асбоб-ускуналар атрофида алангаланувчи моддалардан фойдаланманг.
  전기 설비 근처에서는 가연성 용재를 사용하지 않는다.
- Электр шчитлар атрофини тўсиқлардан холи сақланг.
  분전반의 진입로와 스위치 앞에는 장애물이 없도록 한다.



Ишдан олдинги хавфсизлик техникаси текшируви
작업 전 안전점검

# Ёпиқ жойда ишлаш
밀폐공간 작업

조심조심 코리아
작업전 안전점검
당신의 생명을 지킵니다
2016 - 교육미디어 - 835
Uzbekistan

Ёпиқ жой -- бу кислород етишмовчилигидан бўғилиш ёки захарли газлар билан захарланиш ёки алангаланувчи моддалар ёниши ва портлаши хатарлари мавжуд бўлган иш мухити ҳисобланади. Турли цистерналар ёпиқ жойга мисол бўла олади. Ёпиқ жойда микроорганизмлар кўпайиши сабабли кислород танқислиги юзага келиши хавфи мавжуд бўлиб, водород сульфид каби газлар борлиги сабабли асфиксия (бўғилиш) ривожланиши хавфи бўлади.
밀폐공간이란 근로자가 작업을 수행할 수 있는 공간으로 탱크·정화조·침전조 등 환기가 불충분한 상태에서 산소결핍, 유해가스로 인한 질식·중독과 인화성물질에 의한 화재·폭발 등의 위험이 있는 장소를 말하는 것으로, 밀폐공간내부는 미생물의 증식 및 부패작용으로 쉽게 산소 결핍상태가 되고 황화수소 등과 같은 질식작용을 일으키는 유해가스가 다량 발생한다.

## Хавфсизлик учун асосий хатарлар 주요 유해·위험 요인

- Кислород етишмовчилиги ёки зарарли газлар билан ишлаш натижасида захарланиш ёки бўғилиш (асфиксия)
  밀폐공간내 산소 결핍 또는 유해가스로 인한 질식·중독 재해
- Субститут (инерт) газлар билан ишлаш натижасида бўғилиш (асфиксия) 불활성가스 등 치환용 가스 사용으로 인한 질식 재해
- Микроорганизмлар кўпайиши ва органик парчаланиш натижасида кислород етишмовчилиги 미생물 증식, 유기물 부패 등에 의한 산소결핍
- Алангаланувчи буғлар ва газлар аланга олиши натижасидаги ёнғин ёки портлаш 인화성물질에 의한 증기 등 체류로 점화원에 의한 화재·폭발




## Хавфсизлик тадбирлари рўйхати 안전점검 체크리스트

| Текшириш элементлари 점검항목 | Текшириш натижалари 점검결과 | Эхтиёт чоралари 조치사항 |
|---|---|---|
| Ёпиқ жойга киришдан олдин кислород ва зарарли газлар концентрация даражаси ўлчанганми? 질식위험공간에 출입전 산소 및 유해가스 농도를 측정 하였는가? | | |
| Ишдан олдин ва иш давомида ҳавони тоза сақлаб туриш учун вентиляция қилиб туриладими? 적정공기 상태가 유지되도록 작업전·작업중 지속적인 환기를 실시하였는가? | | |
| Фавқулодда вазиятда фойдаланиш учун яқин атрофда респиратор каби махсус кийим-бошлар мавжудми? 구조작업 시 공기호흡기 등 보호 장비를 착용할 수 있도록 작업장 주변에 비치하였는가? | | |
| Иш бошлашдан олдин газдан захарланиш, кислород танқислиги, ёнғин чиқиши, портлаш хатарларини аниқлаш учун иш жойи текшириладими? 밀폐공간 유해가스, 산소결핍, 화재/폭발 위험 등에 대하여 사전 조사하는가? | | |
| Ишчилар кислород/газ манометри, вентиляция тизими, респиратор, газ ниқоби, монтаж камари ва троси каби махсус кийим-бошни тайёрлаш, текшириш ва фойдаланиш бўйича ўқув тадбирларида иштирок этганми? 산소농도, 유해가스측정기, 환기팬, 공기호흡기와 송기마스크 등 호흡용 보호구, 안전대, 구명밧줄, 안전장비 등 사전에 필요한 장비준비/점검/사용법 숙지를 하였는가? | | |
| Ишни бошлашдан олдин тегишли масъул давлат органидан ёпиқ жойда ишлар олиб боришга рухсат олинганми? 밀폐공간작업을 위해 허가자에게 밀폐공간작업 허가를 받는가? | | |
| Супервайзер меҳнат хавфсизлигига оид тадбирлар кўрилганига ишонч ҳосил қилиш учун барча ёпиқ жойларни текшириб чиқдими? 관리감독자가 밀폐공간 안전보건조치 사항을 지휘, 점검 등의 업무를 하는가? | | |
| Фавқулодда вазиятларда алоқа қилиш учун мўлжалланган радиоалоқа воситалари жорий қилинганми? 긴급 상황 대비 무전기 등 통신장비를 구비하여 연락체계를 갖추었는가? | | |
| Ёпиқ жойда ишчилар устидан назорат қилувчи монитор тайинланганми? Унда етарли ҳимояловчи ва қутқариш ишлари учун мўлжалланган жиҳозлари борми? 감시인은 작업자가 내부에 있을 때는 항상 정위치하며, 필요한 보호 장비와 구조장비를 갖추고 있는가? | | |
| Бегоналар кириши қатъий таъқиқланадими? Ишлар олиб борилаётган ҳудудга киришни чекловчи белгилар яққол кўриниб турибдими? 관계근로자가 아닌 사람의 출입을 금지하고, 그 내용을 보기 쉬운 장소에 게시하는가? | | |

산업재해예방 안전보건공단

# Ёпиқ жойда ишлашда меҳнат хавфсизлиги тартиблари

밀폐공간 작업 시 안전작업 절차

## Меҳнат хавфсизлиги тартиблари 안전작업 절차

**Ҳудудга киришни белги ўрнатиш орқали назорат қилиш, ишни бошлашдан олдин хавфсизликка оид жиҳозларни ўрнатиш**
출입구 출입금지표지판 설치,
출입 제한, 작업 전에 안전장비 구비

- Киришни доим чеклаб туриш учун киришда “Бегоналар кириши тақиқланади” деган ёзувли белгини ўрнатинг.
  밀폐공간 출입구에「관계자외 출입금지」표지판 설치하여 항상 출입을 제한해야 한다.
- Ишларни бошлашдан олдин қуйидаги жиҳозлар ўрнатилиши керак.
  작업 전에는 다음의 안전장비를 구비해야 한다.
  - Ўлчаш асбоблари, вентилятор, респиратор, радиоалоқа воситалари, қутқарув жиҳозлари
    측정장비, 환기팬, 공기호흡기, 무전기, 구조용 장비 등



Бегоналар кириши таъқиқланади
Ёпиқ жой

**Ҳар гал ҳудудга кирганда кислород ва зарарли газлар концентрациясини ўлчаш**
밀폐공간에 들어갈 때마다
산소와 유해가스농도 측정

- Ўлчанган газлар, тегишли концентрация даражалари
  측정가스 종류 및 적정 농도
  - Кислород: 18%-23,5% 산소 : 18% 이상, 23.5% 미만
  - Водород сульфид: 10 қисм/млн.дан кам
    황화수소 : 10ppm 미만
  - Алангаланувчи газ (метан): 10% дан кам
    가연성가스(메탄 등) : 10% 미만
  - Карбон диоксиди: 1,5% дан кам 탄산가스 : 1.5% 미만
  - Карбон моноксиди: 30 қисм/млн.дан кам
    일산화탄소 : 30ppm 미만




**Ёпиқ иш жойида хавфсиз атмосферани таъминлаш учун уни мунтазам вентиляция қилиб туриш**
작업장소는 항상 환기를 실시하여
밀폐공간 내부의 공기 적정상태 유지

- Иш жойини ишдан аввал ва иш давомида вентиляция қилиб туринг
  환기는 작업 전과 작업 중에 계속해서 실시한다.
- Ишни бошлашдан олдин иш жойини беш марта вентиляция қилинг.
  작업 전 최초 환기량은 기적의 5배 이상으로 환기한다.




**Ёпиқ жойда ишчилар учун назорат ва алоқа тизимини ўрнатиш ва ҳудудга ишчилар кириш - чиқиш ҳисобини юритиш**
작업 시 감시인 배치, 밀폐공간 내부
작업자와의 연락체제 구축, 작업 전후
출입인원 점검

- Ёпиқ иш жойининг ташқарисига назоратчи қўйинг
  Ичкаридаги ишчилар билан радиоалоқа орқали алоқа қилинг.
  작업장소 외부에 감시인을 배치하고, 무전기 등으로 밀폐공간 작업자와의 연락을 유지한다.
- Ишчилар ҳудудга ҳар бир кириб чиқишини ҳисобини олиб боринг.
  밀폐공간 출입인원(성명, 인원수) 및 출입시간을 항상 확인한다.




## Техника хавфсизлиги бўйича маслаҳатлар ва бахтсиз ҳодисаларда чоралар кўриш 안전TIP | 재해발생 시 대처요령

- Бўғилаётган ишчини қутқараман деб, ташқаридан ичкарига кирган қутқарувчи ўзи асфиксияга дучор бўлиши мумкин. 밀폐공간에서는 작업자뿐만 아니라 재해자를 구조하러 밀폐공간 안으로 들어간 사람도 질식사고를 당할 수 있다.

Агар ёпиқ жойда ишчи хушидан кетганига гувоҳ бўлсангиз, бошқаларга хабар қилинг ва қутқарув хизматига қўнғироқ қилинг (119).
밀폐공간에 쓰러진 작업자를 목격 할 경우
주변 동료작업자 또는 구조대(119)로 연락합니다.

Агар ишчини дарҳол қутқариш лозим бўлса, у ҳолда қутқаришга киришишдан олдин респиратор (газ ниқоби)ни тақиб олинг.
쓰러진 작업자를 구조하여야 한다면,
반드시 공기호흡기나 송기마스크 등의
호흡용보호구를 착용한 후 구조하세요.

Қутқарилган ишчининг пульсини текширинг ва зарур бўлса, жонлантириш тадбирини амалга оширинг.
구조된 재해자에 대해서는 즉시 호흡과 맥박 여부를
확인하여 심폐소생술을 실시하도록 합니다.

OPEN 공공누리

Иш тури бўйича 작업별

Ишдан олдинги хавфсизлик техникаси текшируви
작업 전 안전점검

# Ўткир кимёвий захарланиш хатари мавжуд бўлган ишлар
급성중독 발생가능 작업

조심조심 코리아
작업전 안전점검
당신의 생명을 지킵니다

2016 - 교육미디어 - 836

Uzbekistan

Толуол, трихлорэтилен, диметилформамид, метилэтилкетон, ксилол ва стирол каби захарли кимёвий моддалалар ўткир захарланиш сабаби бўлиши мумкин, тери ва ўпка узоқ вақт давомида уларнинг таъсири остида бўлса, хатто ўлимга ҳам олиб келиши мумкин. Касб касаллиги узоқ вақт давомида орттирилади деган оммавий фикрдан фарқли ўларок, ўткир захарланиш захарли кимёвий моддалар таъсирида юзага келган ўткир захарланиш қиска вақт ичида ривожланади ва у ўлимга олиб келиши мумкин. Иш берувчилар ҳам, ишчилар ҳам бундай захарли моддалар ҳақида билишлари керак ва вентиляция тизими ва махсус кийим-бошдан фойдаланиш масаласига алоҳида эътибор беришлари керак.
톨루엔, 트리클로로에틸렌, 디메틸포름아미드, 메틸에틸케톤, 크실렌, 스티렌 등 급성중독 유해화학물질은 호흡기나 피부 등을 통해 지속적으로 노출되거나 심할 경우 급성중독으로 사망에 까지 이르는 것으로 알려져 있다. 통상 직업병이 장기간 경과 후 발생한다는 인식과는 달리 단기간 급성중독 형태로 발생하여 사망에 이르는 등, 그 원인이 화학물질 유해성 인식부족, 국소배기장치 등 환기시설 미설치, 보호구 미착용 등 사업주 및 근로자의 각별한 주의와 관심이 필요하다.

## » Хавфсизлик учун асосий хатарлар 주요 유해·위험 요인

- Ишчиларнинг захарли моддалар таъсирида бўлиш вақтини қисқартириш учун сменаларни қисқарок қилинг ва тез - тез алмаштиринг.
  작업자의 노출을 줄이는 방법으로 작업시간 변경, 작업량 조절, 복수로 인원을 배치
- Раҳбарият иштироки; ишчиларни ўқитиш; сменалар алмашиши; тиббий кўрик; ташкиллаштириш ишлари; тозалаш ишлари
  경영진의 참여, 근로자 교육 및 훈련, 순환배치, 의학적 검진, 정리정돈 및 청소 등
- Ишлаб чиқаришга оид ечимлар: моддалар, жараёнлар ва иншоотлар алмашивуни; моддалар, жараёнлар ва ишчилар карантини; махаллий ва умумий вентиляция билан таъминлаш
  공학적 대책 : (물질, 공정, 시설) 대치, (물질, 공정, 작업자) 격리, (전체, 국소배기)환기
- Махсус кийим-бош, масалан ниқоб, ҳимояловчи кийим, кўлқоп, этик
  호흡용 보호구, 불침투성 보호복, 보호장갑, 보호장화 등 개인보호구의 착용 등




## Хавфсизлик тадбирлари рўйхати 안전점검 체크리스트

| Текшириш элементлари<br>점검항목 | Текшириш натижалари<br>점검결과 | Эхтиёт чоралари<br>조치사항 |
|---|---|---|
| Сиз кимёвий моддалар билан ишлашда улар қайси йўллар билан (масалан, оғиз, тери, нафас олиш тизими орқали) ўткир захарланишга олиб келишидан хабардормисиз?<br>취급하는 화학물질이 어떤 경로(구강, 피부, 호흡기 등)를 통하여 급성독성을 일으키는지 알고 있는가? | | |
| Маҳаллий ва умумий вентиляция тизимлари тўғри ўрнатилиб, тўғри ишлаяптими?<br>국소배기장치나 전체환기장치 등이 설치되어 정상적으로 가동되고 있는가? | | |
| Газ ниқоблари гигиена талабларига жавоб берадиган шароитда ва кимёвий моддалар буғларидан узоқда сақланаяптими?<br>방독마스크는 화학물질 증기에 노출되지 않고 위생적으로 보관되고 있는가? | | |
| Бажарилаётган ишга мос (тўлик ёки юзнинг ярмига) газ ниқоби тури ишлатилаяптими? 작업에 적합한 형태(전면형 또는 반면형)의 방독마스크를 착용하고 있는가? | | |
| Газ ниқоби билан бирга шароитга мос махсус кийим-бош (кўлқоп ва бошқа махсус кийим-бош) фойдаланиляптими?<br>방독마스크외 개인보호구(보호장갑, 보호복 등)의 착용상태는 양호한가? | | |
| Кимёвий моддалар учун контейнерлар огоҳлантириш белгилари билан кўринадиган қилиб белгиланганми? 화학물질 용기(소분용기 포함)에 경고표지가 부착되어 있는가? | | |
| Ишчилар кимёвий моддалар билан ишлаш учун кимёвий маҳсулот хавфсизлиги сертификати бўйича тайёргарликдан ўтганмилар?<br>취급하는 화학물질에 대하여 취급 전 MSDS교육은 받았는가? | | |
| Кимёвий моддалар буғлари чиқиб кетмаслиги учун контейнерлар маҳкам беркитиладими? 화학물질 증기가 공기중에 섞이지 않도록 용기뚜껑을 잘 닫아 놓았는가? | | |
| Кимёвий моддалар билан ишланадиган ҳудудларда кимёвий моддалар минимал миқдорда сақланадими? 화학물질 취급 장소에 화학물질 보관량을 최소화하고 있는가? | | |

# Кимёвий моддалар билан ишлайдиган ишчилар учун тўрт устувор мустақил вазифа

화학물질 취급자 4대 건강수칙

## 01 Ишлатаётган кимёвий модданинг хусусиятлари ва захарлилиги ҳақида хабардор бўлинг.

내가 사용하는 물질이 무엇이고, 어떤 독성이 있는지 제대로 알아야 한다.

- Кимёвий моддалар билан ишлашдан олдин кимёвий маҳсулот хавфсизлиги сертификати бўйича тайёргарликдан ўтинг.
  사용하는 화학물질에 대하여 취급하기 전에 MSDS 교육을 반드시 받는다.
  - Кимёвий маҳсулот хавфсизлиги сертификати бўйича ўқув дастури турли кимёвий моддалар захарлилиги, улар билан ишлашда эҳтиёт чоралари, махсус кийим-бош ва бахтсиз ҳодисаларда чора-тадбирлар масалаларини ўз ичига олади.
    교육내용 : 해당 화학물질의 유해성 위험성, 취급상의 주의사항, 적절한 보호구, 사고시 대처방법 등
- Кимёвий модданинг бир қисмини контейнерда сақлаганда, контейнерга огоҳлантириш белгисини бириктиринг.
  화학물질을 소분용기에 덜어서 사용하는 경우 소분용기에 경고표지를 부착한다.
- Ҳар бир иш жараёни учун белгиланган хавфсизлик йўриқларига риоя қилинг.
  작업공정별 관리요령을 준수하여 작업한다.
- Кимёвий моддалар билан ишлашдан аввал кимёвий маҳсулот хавфсизлиги сертификатида кўрсатилган махсус кийим-бош кийинг.
  화학물질을 취급하기 전에 MSDS에서 제시한 적절한 개인보호구를 착용한다.
- Кимёвий моддалар билан ишлаш натижасида соғлиққа зарар етгани ҳақидаги хавотирларингизни иш берувчига дарҳол етказинг.
  화학물질 취급으로 건강 이상이 발생되는 경우 사업주에게 즉시 보고하여 조치를 받는다.




## 02 Кимёвий моддалар буғлари очиқ ҳавога чиқиб кетмаслиги учун контейнерларни берк тутинг.

공기 중에 화학물질이 섞이지 않도록 용기뚜껑을 잘 닫아야 한다.



## 03 Иш ҳудудида ҳавони тоза тутиш учун вентиляция тизимларидан фойдаланинг.

환기시설을 잘 가동하여 작업장의 공기가 깨끗하도록 해야 한다.



## 04 Ҳимояловчи махсус кийим-бошдан фойдаланинг.

개인용 보호구를 잘 착용해야 한다.

- Кимёвий маҳсулот хавфсизлиги сертификатида кўрсатилган иш усуллари ва махсус кийим-бошдан фойдаланинг.
  MSDS 교육을 통해 안전한 작업방법 및 보호구를 착용하여 건강을 지킨다.



Ишдан олдинги хавфсизлик техникаси текшируви
작업 전 안전점검

# Қозиқли пойдеворни ўрнатиш
기초 파일작업

Иш тури бўйича 작업별

조심조심 코리아
작업전 안전점검
당신의 생명을 지킵니다

2016 - 교육미디어 - 837

Uzbekistan

Қозиқли пойдеворлар юмшоқ ерда қурилган конструкция пойдеворининг юк кўтариш қобилиятини ошириш учун ўрнатилади. Қозиқли пойдеворлар ўрнатиш билан боғлиқ ва ўлимга олиб келиши мумкин бўлган бахтсиз ҳодисалар сирасига қозиқлар қулаши, қозиқ уриш машинаси тушиб кетиши, қозиқ уриш гурзисининг нотўғри уриши каби ҳолатлар киради.
기초 파일작업은 연약지반에 건축물을 축조할 때 기초의 지내력을 증대시키기 위해 지중에 파일을 박거나 구축하는 공사이다. 파일 작업 시에는 파일 인양 중 파일낙하, 파일 항타기의 넘어짐, 파일박기 해머에 근로자가 맞아 사망하는 등의 재해가 발생된다.

## Хавфсизлик учун асосий хатарлар 주요 유해·위험 요인

- Қозиқ уриш машинаси атрофида ишлаш вақтида ускуна ишчини уриб юбориши 항타기 주변에서 작업 중 파일 장비 등에 부딪침
- Қозиқ уриш машинасининг стреласи ва гурзи йўналтирувчиси бир-биридан ажраб кетиши ва натижада йўналтирувчининг тушиб кетиши. 항타기 붐대와 리더의 연결부 탈락에 의한 리더의 넘어짐
- Яқин атрофда айланаётган қозиқ урувчи ускуна ишчиларни уриб юбориши 항타기 회전 중 후면부에 근로자 부딪침
- Юмалаб кетган қозиқлар тагида қолиб кетиш 적재된 파일이 굴러 내리면서 끼임 재해 발생
- Тиргак ўрнатилмаганлиги сабабли қозиқ қоқувчи ускунани йиқилиши 항타 작업 중 아웃트리거 미설치에 의한 넘어짐 등에 의한 위험이 있다.



## Хавфсизлик тадбирлари рўйхати 안전점검 체크리스트

| Текшириш элементлари 점검항목 | Текшириш натижалари 점검결과 | Эхтиёт чоралари 조치사항 |
|---|---|---|
| Гурзи билан уриш ускунасининг таги чўкишини олдини олиш учун у маҳкамланганми? 천공기 하부에 침하방지 조치를 하였는가? | | |
| Қозиқни тик қилиш учун трослар маҳкамланганми? Иш радиусига ишчилари кириши устидан назорат ўрнатилганми? 파일세우기 시 와이어로프를 견고하게 체결하고, 위험반경내 근로자의 출입을 통제하였는가? | | |
| Қозиқ урувчи ускуна операторининг тегишли малакаси борми? 천공기 운전자는 유자격자 인가? | | |
| Кўтарилган қозиқ уриш машинаси тагида ишлаётган ишчилар борми? 해머를 인상시켜 놓고 근로자가 하부에서 파일점검 등 위험한 작업을 하지 않는가? | | |
| Қозиқ уриш машинасининг стреласи ва йўналтирувчи мосламаси маҳкам уланганми? 항타기 붐대와 리더는 체결 상태가 견고한가? | | |
| Қозиқ уриш машинасининг стреласига зарар етмаган ва у ўз ўрнига маҳкамланганми? 항타기 붐대는 손상된 곳이 없고 견고한가? | | |
| Қозиқ уриш машинасининг йўналтирувчи мосламасида вертикал хавфсизлик троси борми? 항타기 리더부에 수직구명로프 설비가 설치되어 있는가? | | |
| Қозиқ уриш машинасининг орқа тарафида "Четлаб ўтинг" деган белги ўрнатилганми? 항타기 후면부에는 접근금지 표지가 설치되어 있는가? | | |
| Қозиқ уриш машинаси ағдарилишини олдини олиш учун унда тиргак ўрнатилганми? 항타기에는 전도방지 아웃트리거를 설치하였는가? | | |
| Қозиқ уриш машинаси билан ишлаганда йўналиш ва хавфсизлик ни таъминлаш учун йўналтирувчи мослама ишга солинганми? 작업 중 유도자를 배치하여 작업을 지휘하고 장비를 안전하게 유도하고 있는가? | | |
| Операторлар ҳимоя каскаси каби ҳимояловчи анжом кийишганми? 근로자는 안전모 등 개인보호구를 착용하고 있는가? | | |
| Қозиқлар штабели юмалаб кетмаслиги учун пона билан маҳкамланганми? 적재된 파일에는 구름방지용 쐐기가 설치되어있는가? | | |
| Қозиқлар штабелида керагидан ортиқ кўп қозиқлар тахланмаганми? 파일은 과적재하지 않았는가? | | |

산업재해예방 안전보건공단

# Хавфсизлик техникаси текшируви!
# Қозиқли пойдевор ўрнатишда бахтсиз ҳодисалар олдини олиш

안전체크! 기초 파일작업 재해위험 및 예방대책

## Инсон омиллари 사람요인

- Ҳимоя каскаси, ҳимояловчи пойабзал ва ҳимоя камари каби ҳимояловчи анжомлардан фойдаланиш керак.
  근로자는 안전모, 안전화, 안전대 등 개인보호구 착용 철저
- Қозиқ уриш машинаси атрофида ишлаганда ҳимоя каскаси, ҳимояловчи пойабзал ва ҳимоя камари каби ҳимояловчи анжомлардан фойдаланиш керак.
  항타기 주변에서 작업중인 근로자는 안전모, 안전화 등 개인보호구 착용

## Механик жиҳозлар 기계장비

- Ишни бошлашдан олдин қозиқ уриш машинасининг стрелаcи ва йўналтирувчи қурилмасининг бир-бирига уланишини текширинг.
  항타기 붐대와 리더의 연결부 등 체결상태, 작업전 점검 실시
- Қозиқ уриш машинасининг стреласи ва механик қисмларининг бутлигини текшириб туринг.
  항타기는 붐대 견고성, 기계장치의 이상 유무 등을 사전점검하고 작업 실시
- Қозиқ уриш машиналарининг орқасида "Четлаб ўтинг" ва "Хавфли" деб ёзилган белгиларни ўрнатинг. Ишчиларга йўл кўрсатиш учун сигналчи ишчиларни тайинланг.
  항타기 후면부에 접근금지, 위험표지 설치, 신호수에 의한 근로자 유도

## Иш усуллари 작업방법

- Қозиқ ураётганда қозиққа зарар етмаганлигини текширинг. Агар қозиққа зарар етганлигига шубҳа бўлса ишни тўхтатинг ва уларни алмаштиринг.
  파일항타 중 파일 파손여부를 관찰하고, 파일 파편 비산 위험이 있을 경우 작업중지, 파일교체

## Жисмоний омиллар 물적요인

- Қозиқлар штабелдан думалаб кетмаслиги учун уларни пона билан маҳкамланг.
  적재된 파일은 굴러내리지 않도록 쐐기 등으로 고정 조치
- Қозиқлар юмалаб кетмаслиги учун штабелни хавфсиз баландликкача тахланг.
  파일 적재시 자체 하중에 의해 붕괴되지 않도록 적정한 높이로 적재
- Қозиқ уриш ускунаснинг кўтарилган гурзиси тагида ишламанг. Ишлашдан олдин гурзини четга олиб қўйинг.
  해머를 인상시켜 놓고 해머 하부에서 작업금지, 해머를 이동시키고 파일 상태 점검실시
- Қозиқ уриш машинаси остидаги ер чўкмаслигини таъминланг.
  항타기 하부에는 침하 방지 조치
- Қозиқ уриш машинаси иш вақтида ағдарилмаслиги учун тиргак ўрнатинг.
  항타 작업중 항타기 전도(넘어짐)방지를 위해 아웃트리거 설치
- Қозиққа зарар етмаслиги учун қоқиш баландлиги ва кучини хавфсиз даражада тутинг.
  해머의 항타고, 항타강도를 적정하게 유지하여 파일 파손 방지



Ишдан олдинги хавфсизлик техникаси текшируви
작업 전 안전점검

# Тирговуч деворларда тиргаклар ўрнатиш
흙막이 지보공 작업

Иш тури бўйича 작업별

조심조심 코리아
작업전 안전점검
당신의 생명을 지킵니다
2016 - 교육미디어 - 838

Uzbekistan

Тирговуч деворларни ер ости қазиш ишларида тунеллар чўкишини олдини олиш учун қуриш талаб этилади. Бундай тирговуч деворларга тиргаклар ўрнатилади. Тиргаклар ўрнатиш билан боғлиқ энг кўп учрайдиган бахтсиз ходисалар қўштавр сваяси тушиб кетиши ва тиргакдан қулаш билан содир бўлади.
흙막이 지보공은 지하를 굴착할 때 토사가 붕괴되지 않도록 지중에 흙막이 벽체를 설치하는 작업이다. 흙막이 지보공 설치작업중 H-pile의 낙하(물체에 맞음), 흙막이 버팀보 상에서 추락(떨어짐) 등의 재해가 주로 발생된다.

## Хавфсизлик учун асосий хатарлар 주요 유해·위험 요인

- Автокранда илгакнинг ҳимояловчи зулфини ўрнатилмагани натижасида юкни ташиш вақтида трос тушиб кетиши
  이동식 크레인 훅 해지장치 미설치에 따라 자재 인양중 와이어로프 탈락
- Сақлагич камарсиз ишлаб, тиргак устидан йиқилиш
  흙막이 버팀대상에 안전대 걸이용 로프 미설치로 안전대 미체결하고 작업중 추락(떨어짐)
- Чизмага риоя қилмасдан қурилган тирговуч деворнинг қулаши
  흙막이 시공시 설계도서와 상이하게 시공하여 내력 강도에 의한 붕괴(무너짐)



## Хавфсизлик тадбирлари рўйхати 안전점검 체크리스트

| Текшириш элементлари 점검항목 | Текшириш натижалари 점검결과 | Эҳтиёт чоралари 조치사항 |
|---|---|---|
| Қўштавр сваясида ишлаганда лангарга маҳкамланган сақлагич камарлардан фойдаланилаяптими? H-beam상에서 작업 시 안전대를 안전대걸이용 로프에 체결하고 작업을 하는가? | | |
| Платформа четига ҳимояловчи тўсиқлар ўрнатилганми? 복공판 단부에는 안전난간대가 설치되어 있는가? | | |
| Қўштавр балкасининг уланишларида болтлар маҳкамланганми? H-beam 교차부에는 볼트가 누락되지 않고 견고하게 체결되고 있는가? | | |
| Илгак ҳимояловчи зулфин билан жиҳозланганми? 훅에는 해지장치가 설치되어 있는가? | | |
| Юклар икки марта боғланган бўлиб, горизонтал ҳолда ташилаяптими? 자재를 2줄걸이로 묶고 수평으로 인양하고 있는가? | | |
| Тирговуч деворлар тиргаклари устида сақлагич камар лангари ўрнатилганми? 흙막이 버팀대 상에는 안전대 걸이용 로프가 설치되어 있는가? | | |
| Ишдан олдин пайвандловчи ишчилар сақлагич камарларини лангарга улашадими? 용접 작업근로자는 안전대를 안전대 걸이용 로프에 체결하고 작업을 하는가? | | |
| Электрод ушлагичлари устидаги изоляция бутми? 용접봉 홀더에는 절연커버가 파손되거나 탈락되어 있지 않는가? | | |
| Навбатчи супервайзер борми? 관리감독자에 의해 지휘 감독이 이루어지고 있는가? | | |
| | | |
| | | |

# Хавфсизлик текширувини амалга оширинг! Тирговуч девор тиргакларини ўртанишдаги хавфсизлик хатарлари ва уларни бошқариш йўллари

안전체크! 흙막이 지보공 작업 재해위험 및 예방대책

## Инсон омиллари 사람요인

- Тиргович деворда тиргак ўрнатишда ҳимояловчи каска, ҳимояловчи пойабзал ва сақлагич камарда бўлинг.
  흙막이 지보공 설치 작업 중 안전모, 안전화, 안전대 등 개인보호구 착용 철저
- Тергович девор тиргагини ўрнатишда ва олиб ташлаш ишларида назоратчини тайинланг.
  흙막이 지보공 설치·해체시에 관리감독자를 배치하여 지휘, 감독 실시

## Механик жиҳозлар 기계장비

- Автокранларда илгак ҳимоя зулфинини ўрнатинг.
  이동식 크레인 훅에 해지장치 설치
- Изоляцияли электрод ушлагичлардан фойдаланинг.
  용접봉 홀더는 절연체가 부착된 안전한것 사용




## Иш усуллари 작업방법

- Тиргович девор тиргаклари устида сақлагич камарлар лангарларини ўрнатинг.
  흙막이 버팀보 상에는 안전대 걸이용 로프 설치
- Чизмада кўрсатилганидек тиргак ва қўштавр сваялар ўртасидаги ораликни сақланг.
  흙막이 버팀대, H-pile 기둥 등은 설계도서에 적합하게 간격 준수
- Тиргович деворлар атрофида автокран, материаллар ёки бошқа оғир нарсаларни қолдирманг.
  이동식 크레인 자재 등 중량물은 흙막이에 인접하여 적재 금지
- Тушиб кетиши мумкин бўлган материал ва асбобларни тиргак устида қолдириб кетманг.
  흙막이 버팀보 상에 낙하위험성이 있는 자재, 공구 등 적재 금지
- Ташиладиган қўштавр балкаларини икки марта боғланг. Уларни горизонтал ҳолатда ташинг.
  H-beam 인양시 2줄 걸이로 견고하게 결속, 수평으로 인양
- Қўштавр балкалари устида пайвандлаш ёки болтлар ўрнатишда сақлагич камарларни лангарга илинг.
  H-beam 상에서 용접, 볼트 작업중 안전대 걸이용 로프에 안전대 체결하고 작업
- Қўштавр балкалари уланишларида барча талаб қилинадиган болтларни маҳкамланг.
  H-beam 교차부에 볼트 등을 누락없이 견고하게 체결

Ишдан олдинги хавфсизлик техникаси текшируви
작업 전 안전점검

# Бетонлаш
콘크리트 타설 작업

조심조심 코리아
작업전 안전점검 당신의 생명을 지킵니다
2016 - 교육미디어 - 839
Uzbekistan

Бетонлаш ишлари темир-бетон конструкциясини яратиш учун бетонни темир арматуралар ёрдамида қурилган шаклга қуйишни англатади.
콘크리트 작업은 철근콘크리트 구조물에서 철근배근과 거푸집 설치작업을 완료하고 거푸집내에 콘크리트를 부어 넣어 철근콘크리트 구조물을 만드는 작업을 말한다.

## Хавфсизлик учун асосий хатарлар 주요 유해·위험 요인

- Бетон ташувчи транспорт воситасидан қулаш; бетон қуйиш учун ишлатиладиган резина шлангдаги босим тасодифан кучланиши натижасида қўлдан чиқиб, ишчига келиб урилиши; ишчи бетон қуяётиб, каркаслар орасига қулаши.
  콘크리트 운반차량에서의 떨어짐, 끼임 및 타설용 고무호스의 갑작스런 요동에 의한 근로자 부딪힘 및 넘어짐, 콘크리트 타설 중 슬라브 단부로 떨어짐



## Хавфсизлик тадбирлари рўйхати 안전점검 체크리스트

| Текшириш элементлари 점검항목 | Текшириш натижалари 점검결과 | Эхтиёт чоралари 조치사항 |
|---|---|---|
| Бетон қуйиш шланги қувурга маҳкам уланганми?<br>콘크리트 호스와 파이프사이의 연결은 견고하게 되어 있는가? | | |
| Ҳимояловчи каска, қўлқоп ва этик каби шахсий ҳимоя анжомлари кийилганми?<br>콘크리트 타설 근로자는 안전모, 보호장갑, 안전장화 등을 착용하였는가? | | |
| Қурилиш вибраторидан фойдаланганда электр токи уришини олдини олиш учун эхтиёт чоралари кўрилганми?<br>진동기의 감전예방 조치는 하였는가? | | |
| Ҳаракатланиш ва ишлаш учун темири рама устида оёқ қўйиш учун таянчлар ўрнатилганми?<br>철근 배근 상부에는 이동에 필요한 작업발판이 설치되어 있는가? | | |
| Бетон қуйиш шлангининг дастаклари маҳкам ўрнатилганми?<br>콘크리트 호스의 조정을 위한 손잡이는 안전하게 설치되어 있는가? | | |
| Бетон қуйиш қувурининг уланиш жойлари кўзда тутилган қисқичлар билан маҳкамланганми?<br>콘크리트 파이프의 연결부는 전용클립으로 견고하게 고정되어 있는가? | | |
| Бетон текислаш синчларда айланувчи қисми билан контактни олдини олиш учун эхтиёт чоралари кўрилганми?<br>콘크리트 피니셔 회전부에 접촉되지 않토록 방호조치가 되어 있는가? | | |
| Бетонлашдан олдин синчларда нуқсонлар бор-йўқлиги текширилганми? Ер юзасида чўкиш аломатлари борми?<br>작업 전 거푸집동바리의 변형 · 변위 및 지반의 침하 등 이상이 없는지 확인 하였는가? | | |
| Синчларда нуқсонлар бор-йўқлигини ва ер юзасида чўкиш аломатларини текшириш учун текширувчи ишчи тайинланганми?<br>작업 중 거푸집동바리의 변형 · 변위 및 지반의 침하 등을 감시할 감시자를 배치 하였는가? | | |
| Мувозанат йўқолмаслиги учун бетон бир текис қуйилаяптими?<br>콘크리트 타설 작업 시 편심이 발생하지 않도록 골고루 분산하여 타설하고 있는가? | | |

# Хавфсизликни текшириш!
# Бетон қуйиш/шакллантиришда меҳнат хавфсизлиги учун хатарлар ва уларни олдини олиш йўллари

안전체크! 콘크리트 타설 및 다짐 작업 재해위험 및 예방대책

## Инсон омиллари 사람요인

- Ҳимоя каскаси, қўлқоплар ва этик кийинг.
  안전모, 보호장갑, 보호의, 안전장화 등 보호구 착용

## Жисмоний омиллар 물적요인

- Бетон қуйиш шлангини қувурга маҳкам уланг.
  콘크리트 호스와 파이프 연결부를 견고하게 체결

## Механик жиҳозлар 기계장비

- Бетон текислаш машинасининг айланувчи қисмига ҳимояловчи кожух ўрнатинг.
  피니셔 회전부에 덮개 설치 철저
- Тросни бетон қуйиш бункерига маҳкам уланг.
  타워크레인으로 콘크리트 호퍼 인양시 인양로프 체결 철저

## Иш усуллари 작업방법

- Очиқликларда ҳимоя иҳоталари ва каркаслар атрофида ҳимоя тўсиқларини ўрнатинг.
  개구부에 덮개 및 슬라브 단부에 안전난간대 설치
- Қурилиш вибраторида ерга улагич ва ток сизиб чиққанда занжирни узувчи мослама ўрнатинг.
  진동기에 접지, 누전차단기 연결하여 사용
- Пўлат каркас тепасида ўтиш йўлаги учун оёқ қўйиш учун таянчлар ўрнатинг.
  철근 배근 상부에 통로용 작업발판 설치



OPEN 공공누리

Ишдан олдинги хавфсизлик техникаси текшируви
작업 전 안전점검

# Бино синчини монтаж қилиш
거푸집 동바리 설치 작업

Иш тури бўйича 작업별

조심조심 코리아
작업전 안전점검
당신의 생명을 지킵니다

2016 - 교육미디어 - 840

Uzbekistan

Синчни монтаж қилиш темирбетон бинонинг конструкция шаклини яратиш бўйича қурилиш ишларини билдиради. Арматура йиғилганидан сўнг балкалар, устунлар ва деворлар шаклини ясаш учун панеллар ишлатилади.
거푸집 작업은 철근콘크리트 구조물의 형태를 구성하는 공사로서 철근 조립 후 패널 등을 이용하여 보, 기둥, 벽체 등의 형상을 만드는 공사를 말한다.

## Хавфсизлик учун асосий хатарлар 주요 유해·위험 요인

- Очиқ жойга тушиб кетиш, деворлар йиқилиши ва синч каркаснинг бузилиши
  개구부로의 추락(떨어짐), 슬라브 단부 떨어짐, 콘크리트 타설 거푸집 동바리 무너짐



## Хавфсизлик тадбирлари рўйхати 안전점검 체크리스트

| Текшириш элементлари 점검항목 | Текшириш натижалари 점검결과 | Эхтиёт чоралари 조치사항 |
|---|---|---|
| Синчлар қурилиш режаси ва йиғиш чизмаларига мувофиқ ўрнатилганми? 거푸집 동바리는 구조검토 및 조립도에 따라 설치되어 있는가? | | |
| Синчлар жойига махсус тутқичлар билан маҳкамланганми? 거푸집 동바리 연결부는 전용 클램프로 고정하였는가? | | |
| Синчлар силжимаслиги ва қулаб кетмаслиги учун у пастдан ва тепадан маҳкамланганми? 거푸집 동바리는 넘어지거나 이동하지 않도록 상·하부를 고정하였는가? | | |
| Вақтинча йиғилган плиталар уланиш жойлари ва балка тиргаклари жойига қотирилганми? 가조립된 슬라브판 보거푸집 등은 연결부가 탈락되지 않도록 고정시켰는가? | | |
| Ишчилар шлем ва сақлагич камари каби махсус кийим-бошдами? 작업자는 안전모, 안전대 등 개인보호구를 착용하고 있는가? | | |
| Сақлагич камари қутқариш лангарига илинганми? 작업자는 안전대 고리를 안전대 부착설비에 체결하고 작업하고 있는가? | | |
| Синчларни монтаж қилиш вақтида сақлагич камарлари балкалар ва панеллар тушиб кетиши мумкин бўлган хавфли жойларга ўрнатилганми? 거푸집 설치 작업중 보상부, 슬라브 단부 등 추락(떨어짐)위험 부위에 안전대 부착 설비를 설치하였는가? | | |
| Синчлар барқарор бўлмаган икки поғонали тузилмага ўрнатилганми? 거푸집 동바리 구조가 2단으로 설치되어 구조적으로 불안전하지는 않은가? | | |
| Синчлар тирғаги баландлигини ўзгартириш учун махсус штирлар ишлатилаяптими? 동바리 높이 조절용 핀은 전용 핀을 사용하는가? | | |
| Синчларни монтаж қилиш учун ишлатилган материалларни ечиб олганда трослар ўз жойида қолиши учун илмоқли карабин ўрнатилганми? 거푸집 자재 인양시 후크 해지장치 설치하여 로프가 탈락되지 않도록 하고 있는가? | | |
| Агар синч 3,5 м .дан баланд бўлса, унинг икки тарафида ҳар 2 м оралиқда горизонтал маҳкамлаш детали ўрнатилганми? 높이 3.5m 이상인 경우 수평 연결재를 2방향으로 2m 이내 마다 설치하고 있는가? | | |
| Синчлар сертификатланган маҳсулотми? 거푸집 동바리는 검정품을 사용하고 있는가? | | |

산업재해예방 안전보건공단

Safety Point

Uzbekistan

# Синчни монтаж қилишда меҳнат хавфсизлиги хатарлари ва бахтсиз ҳодисаларни олдини олиш

안전체크! 거푸집 동바리 조립 작업 재해위험 및 예방대책

## Инсон омиллари 사람요인

- Синчни монтаж қилишда доим махсус кийим - бошда бўлинг.
  거푸집 동바리 조립 작업시 안전모 등 개인보호구 착용 철저
- Сақлагич камарларини сақлагич лангарига уланг.
  안전대를 안전대 부착설비에 체결하고 작업 실시

## Жисмоний омиллар 물적요인

- Сертификатланган каркас маҳсулотларидан фойдаланинг.
  거푸집 동바리는 검정품 사용
- Синч тиргаги баландлигини ўзгартириш учун мўлжалланган махсус штирлардан фойдаланинг
  동바리 높이 조절용 핀은 전용핀 사용

## Механик жиҳозлар 기계장비

- Синчларни монтаж  қилиш учун ишлатилган материалларни ечиб олиш учун ишлатилган кўтаргич мосламасига илмоқли карабин ўрнатинг
  양중기로 거푸집 자재 인양시 훅에 해지장치 설치하여 인양로프 탈락 방지

## Иш усуллари 작업방법

- Сақлагич камари тақиладиган сақлагич лангарини балканинг тепасига ўрнатинг.
  보거푸집 상부에 안전대 부착설비를 설치하여 안전대를 체결하고 작업 실시
- Тиргакларни горизонтал маҳкамлаш учун махсус қисқичлардан фойдаланинг.
  동바리와 수평 연결재 연결부는 전용크램프로 견고하게 결속
- 6 м ёки ундан баланд тиргакларни икки поғонали тузилма ёрдамида ўрнатманг.
  거푸집 동바리는 높이 6m 이상 시 2단 설치금지 시스템 동바리 사용
- Тиргаклар силжиши ёки бузилиб кетишини олдини олиш учун уларни тепадан ва пастдан маҳкамланг.
  동바리는 정위치에서 이동되거나 전도되지 않도록 상하부 고정
- Агар ўрнатиладиган тиргаклар 3,5 м ёки ундан баланд бўлса, тиргакларни икки тарафда 2 м оралиқда махсус қисқич ёрдамида горизонтал қилиб ўрнатинг.
  동바리는 높이 3.5m 이상 시 2방향으로 2m 이내마다 전용 클램프 이용 수평 연결재 설치
- Тиргакларни ўрнатиш режасига ва қуриш схемасига қараб ўрнатинг
  동바리 간격은 구조검토, 조립도에 따라 정밀 시공 실시
- Вақтинча ўрнатилган балка ва плиталар тушиб кеетмаслиги учун уларни маҳкамланг
  가조립된 보판, 슬라브판은 탈락되지 않도록 견고하게 고정



OPEN 공공누리

산업재해예방 안전보건공단

Ишдан олдинги хавфсизлик техникаси текшируви
작업 전 안전점검

# Ғишт териш, суваш ва гидроизоляция

조적·미장·방수 작업

Иш тури бўйича 작업별

조심조심 코리아
작업전 안전점검
당신의 생명을 지킵니다

2016 - 교육미디어 - 841

Uzbekistan

## Ғишт териш 조적공사

### Меҳнат хавфсизлигига бўлган хатарлар 위험포인트

- Бинони бузиш вақтида девор қулаши
  조적벽체 해체작업 중 벽체 무너짐 위험
- Аравачадан ғиштлар тўкилиб, одамга бориб тегиши
  리프트 탑승구에서 리어카로 벽돌운반 중 떨어짐 위험
- Ишчи ғишт териш учун ҳавозага чиқаётиб, ундан йиқилиши
  조적작업을 위해 말비계에 오르던 중 떨어짐 위험
- Биноиг ички деворини қураётиб, туйнукдан тушиб кетиши
  건물 내부벽체 조적작업 중 개구부에서 실족 위험



## Хавфсизлик тадбирлари рўйхати 안전점검 체크리스트

| Текшириш элементлари 점검항목 | Текшириш натижалари 점검결과 | Эхтиёт чоралари 조치사항 |
|---|---|---|
| Материалларни ташиш усули шароитга мосми?<br>자재(벽돌, 블럭) 운반방법은 적정한가? | | |
| Материалларни ташишда ишчи ёки материалларнинг қулаб тушиши хавфи борми?<br>- Қурилиш лифтларининг туриш платформасидан йиқилишни олдини олиш учун кўриладиган чоралар<br>- Ғиштлар тушиб кетишини олдини олиш учун кўриладиган эхтиёт чораси<br>자재 운반시 근로자 및 자재 떨어짐 위험은 없는가?<br>- 건설용 리프트 승강구대에서 추락방지조치 - 벽돌, 블록의 낙하방지조치 | | |
| Ғишт териш учун оёқ қўйишга мўлжалланган таянч етарлича хавфсизми?<br>- Кўчма/кўзғалмас хавоза 조적공사용 작업발판은 충분히 안전한가? - 이동식 비계 또는 말비계 | | |
| Ғишт териш ишлари вақтида ғишт ёки блоклар қулаши хавфи борми?<br>조적중인 벽돌이나 블록의 무너짐 위험은 없는가? | | |
| Иш ҳудудининг хавфли жойларига кириш яхши назорат қилинадими?<br>작업 반경 위험 구역 내 근로자 통제는 잘 이루어지고 있는가? | | |
| Ишчилар тегишли шахсий ҳимоя анжомларини кийишадими?<br>근로자는 개인보호구를 올바르게 착용하고 있는가? | | |

## Сувоқ 미장공사

### Меҳнат хавфсизлигига бўлган хатарлар 위험포인트

- Сувоқ қилиш вақтида кўчма ҳавозадан йиқилиш
  이동식틀비계 위에서 미장작업 중 떨어짐 위험
- Балконда сувоқ қоришмасини ураётиб ундан йиқилиб тушиш
  발코니 단부에서 견출작업 중 떨어짐 위험
- Сувоқ ишларини тугатиб, нарвондан пастга тушаётганда йиқилиш
  미장작업을 마치고 계단을 내려오던 중 넘어짐 위험
- Дераза токчасида ишлаш вақтида ҳавозадан йиқилиб тушиш
  외부 비계에서 창틀 미장작업 중 떨어짐 위험
- Иш платформасини ўрнатиш вақтида ҳавозадан йиқилиб тушиш
  미장작업을 위해 비계 위에 작업발판 설치 작업 중 떨어짐 위험



산업재해예방 안전보건공단

## Хавфсизлик тадбирлари рўйхати 안전점검 체크리스트

| Текшириш элементлари 점검항목 | Текшириш натижалари 점검결과 | Эҳтиёт чоралари 조치사항 |
|---|---|---|
| Сувоқ қилиш жойига олиб борувчи белгиланган йўлаклар борми?<br>미장작업장소로 이동하기 위한 통로는 확보되어 있는가? | | |
| Сувоқ қилиш жойлари атрофидаги туйнуклар йиқилишдан хавфсиз қилиндими?<br>미장작업 장소 주변의 개구부 방호조치는 적정한가? | | |
| Сувоқ учун платформалар хавфсизми? - Кўчма ёки кўзғалмас хавоза<br>미장공사용 작업발판은 충분히 안전한가? - 이동식 비계 또는 말비계<br>※ Нарвон юқори жойга кўтарилиш учун ишлатиладиган мослама бўлиб, уни иш платформа (туриш майдончаси) ўрнига ишлатиб бўлмайди.<br>※ 사다리는 높은 장소로 이동하기 위한 도구이므로, 가능한 작업발판 대용으로 사다리 위에서의 작업을 금함 | | |
| Ишчилар тегишли шахсий ҳимоя анжомларини кийишганми?<br>근로자는 안전대, 안전모 등 개인보호구를 올바르게 착용하고 있는가? | | |
| Вақтинча электр жиҳозларидан электр токи уриши хавфи борми?<br>작업장 주변의 가설전기에 감전될 위험은 없는가? | | |

## Гидроизоляция 방수공사

### » Меҳнат хавфсизлигига бўлган хатарлар 위험포인트

- Ишчи кўп қаватли уйнинг ташқи деворига герметиклаш материалини қўллаётган вақтида нарвондан йиқилиши
  이동식 사다리위에서 아파트 복도 창호 실란트 작업 중 복도외측으로 떨어짐 위험
- Ишчи томнинг сув ўтказмас листларига герметиклаш материалини қўллаш вақтида вентиляция тизими ичига йиқилиб тушиб кетиши
  지붕 방수시트(Sheet) 실란트 마무리작업 중 환기용 개구부로 떨어짐 위험
- Нарвонда туриб герметиклаш материалини қўллаш вақтида электр токи ўтаётган линиядан ток уриши 사다리 위에서 실란트 작업 중 충전전로에 감전 위험
- Резервуар ичи герметиклаштирилган кейин пайвандлаш пайтида эритувчи моддаларнинг портлаши
  저수조 내부 방수제 도포 후 용접 등 화기작업시 유기용제 폭발 위험
- Ёпиқ жой ҳисобланмиш резурвуарда герметиклаш материали билан ишлаганда асфиксия содир бўлиши
  저수조 내부 등 밀폐된 공간 내 방수작업 중 질식 위험




## Хавфсизлик тадбирлари рўйхати 안전점검 체크리스트

| Текшириш элементлари 점검항목 | Текшириш натижалари 점검결과 | Эҳтиёт чоралари 조치사항 |
|---|---|---|
| Гидроизоляция ишлари учун фойдаланиладиган платформаларга тегишли эҳтиёт чоралари кўрилганми? 방수작업용 작업발판에는 안전조치가 적정하게 되어 있는가? | | |
| Гидроизоляция ишлари олиб бориладиган жой атрофидаги туйнукларга тегишли эҳтиёт чоралари кўрилганми?<br>방수작업 장소 주변의 개구부 방호조치는 적정한가? | | |
| Ишчилар тегишли шахсий ҳимоя анжомларини кийишганми?<br>근로자는 개인보호구를 올바르게 착용하고 있는가? | | |
| Ёпиқ жойда гидроизоляция ишларини бажариш вақтида асфиксия хавфи борми?<br>정화조, 저수조 등 밀폐된 공간내에서 방수작업시 질식위험은 없는가? | | |
| Гидроизоляция ишлари учун ёруғлик етарлими?<br>방수작업장에 조명은 적정하게 확보되어 있는가? | | |
| Иш жойи атрофидаги вақтинча электр жиҳозларидан электр токи уриши хавфи борми? 작업장 주변의 가설전기에 감전될 위험은 없는가? | | |
| Битум мастикаси каби алангаланувчи моддалардан ёнғин чиқиши ёки портлаши хавфи борми? 아스팔트 프라이머 등 휘발성 재료에 의한 화재·폭발 위험은 없는가? | | |
| Материаллар сақлаш жойи яхши вентиляция қилиниб, иссиқлик манбаларидан узоқда жойлашганми? 자재 보관장소는 통풍이 잘되고 화기로부터 격리되어 있는가? | | |

Ишдан олдинги хавфсизлик техникаси текшируви
작업 전 안전점검

# Даврий ишлаш реакторлари
회분식 반응기

조심조심 코리아
작업전 안전점검
당신의 생명을 지킵니다
2016 - 교육미디어 - 842
Uzbekistan

Ушбу даврий ишлаш жараёнида машинага хом-ашё солиниб, унга белгиланган вақт давомида ишлов берилади. Хом-ашё ва катализаторлар даврий реакторга муайян тартибда солинади, белгиланган реакцияланиш муддати тугаши билан маҳсулот машинадан чиқарилади.
회분식 공정(BATCH PROCESS)이라 함은 일반적으로 원료를 투입하여 일정시간 혹은 일정공정을 거쳐 제품을 얻는 모든 공정을 말한다. 회분식 반응기는 반응기에 원료 및 촉매 등을 순서적으로 투입하여 일정시간 반응 후 생성물을 배출하는 방식으로 조작되는 반응기이다.

## Даврий жараённинг хусусиятлари 회분식 공정 특성

- Ишлов бериш турли босқичлардан ташкил топади
  공정 운전이 여러단계로 구성
- Ҳар бир даврий жараёнда ишга тушириш ва ўчириш ҳоллари тез-тез бўлиб туради
  Batch별 Start-up, Shutdown 빈번함
- Узлуксиз ишлаш жараёнига қараганда даврий ишлашда қурилмада носозлик келиб чиқишини башорат қилиш қийин
  장치결함 예측이 연속공정보다 어려움
- Иш шароитлари босқичлар ўзгаришига қараб ўзгариб боради
  Grade 변경시 운전조건 변화
- Операторлардан катта ҳажмдаги қўл меҳнати талаб қилинади 현장 작업자의 수동운전이 많음

- инсон омили билан боғлиқ хатолар содир бўлиш эҳтимоли бор.
  인적오류 가능성 높음
- қурилмаларда носозлик юзага келиши эҳтимоли бор.
  장치결함 가능성 높음
- қурилмада носозлик келиб чиқишини башорат қилиш қийин.
  장치결함 예측이 어려움
- ишчилар билан бахтсиз ҳодисалар юз бериш эҳтимоли юқори.
  인적피해 가능성 높음
- жиддий бахтсиз ҳодисалар юз бериши мумкин. 인적피해 규모가 큼



## Хавфсизлик тадбирлари рўйхати 안전점검 체크리스트

| Текшириш элементлари 점검항목 | Текшириш натижалари 점검결과 | Эҳтиёт чоралари 조치사항 |
|---|---|---|
| Термометр ва манометр каби ўлчаш асбоблари ўрнатилганми? Ички муаммолар ҳақида огоҳлантирувчи автоматлаштирилган огоҳлантириш тизимлари ўрнатилганми?<br>온도·압력계 등 계측장치가 설치되어 있고, 내부 이상상태를 조기 파악을 위한 자동경보장치가 설치되어 있는가? | | |
| Фавқулодда вазиятда хом-ашё берилиши тўхтатилиб ва маҳсулотлар чиқариб олиниб, совутиш учун сув бериладими?<br>비상 시 원재료의 긴급차단, 제품 등의 방출, 냉각용수 등의 공급장치가 정상 작동되는가? | | |
| Хом-ашёлар ва инициаторлар тўғри тартиб ва миқдорда солинаяптими? Солинадиган хом-ашёлар рўйхати юритиляптими?<br>원재료, 개시제 등의 투입량, 순서 등 운전절차를 숙지하고 원료 투입일지가 작성되고 있는가? | | |
| Бошқариш хонаси билан радиоалоқа самарали кечадими? Ишчилар ўртасидаги алоқа самаралими?<br>제어실과 무선연락이 잘 이루어지고, 작업자간 연락체계가 잘 유지되고 있는가? | | |
| Хом-ашёларнинг алангаланувчанлиги ва захарлилиги текширилганми?<br>원재료가 인화성 물질 또는 독성물질인지 확인하였는가? | | |
| Хавфли моддалар билан ишлашда тегишли шахсий ҳимоя анжомларидан фойдаланиладими? 취급물질에 따른 적절한 보호구를 착용하고 작업하고 있는가? | | |
| Реакторда қўлланмада кўрсатилган ҳарорат ва босим таъминланадими?<br>반응기 온도 및 압력이 매뉴얼대로 유지되고 있는가? | | |
| Реактор нормал бўлмаган ҳолат юзага келганда, авариявий тўхтатиш мосламаси ишга тушадими? 반응기 비상정지절차 등 비정상상태일 때 조치사항을 숙지하고 있는가? | | |
| Ёнғин чиққанда алоқа қилиш тартибидан оператор хабардорми?<br>화재발생시 비상연락 등 대응조치 요령을 숙지하였는가? | | |

산업재해예방 안전보건공단

# Даврий жараённинг хавфсизлиги

회분식 공정 안전운전

## Иш стандартлари 작업표준

Ҳар бир жараён учун аниқ ва муайян иш стандартини белгиланг. Бу носоз бошқариш элементлари сабабли содир бўлиши мумкин бўлган бахтсиз ҳодисаларни олдини олади.
각각 공정마다 작업 포인트를 구체적이고 명확하게 작업표준을 만들어 오조작 등으로 인한 사고를 방지 한다.



- Ишчи вазифаларни бажаришдан олдин иш стандартларини тўлалигича тушуниб олиши керак. Барча иш стандартларига беками-кўст риоя қилиш керак.
  작업자는 작업표준을 충분히 이해한 후에 작업에 임하고 이를 철저하게 준수한다.
- Юз берган бахтсиз ҳодисалар ва уларнинг сабабларини (масалан, жараён хусусиятлари, кимёвий моддалар билан ишлашда хавфсизлик учун хатарлар, нормал бўлмаган реакциялар) тўла таҳлил қилиб, шунинг асосида иш стандартларини ишлаб чиқинг.
  작업표준은 공정의 특성, 화학약품 취급 시 위험성, 이상반응 등으로 인한 재해사례 등을 참고하여 충분히 검토한 후에 작성한다.
- Қуйидагиларни алоҳида айтиб ўтиш керак.
  특히 다음 사항은 명시되어야 한다.

1. Клапан ва кранлар ишлаши
   밸브, 코크의 조작
2. Совутиш, иситиш ва аралаштириш қурилмаларини бошқариш 냉각, 가열 및 교반장치의 조작
3. Ўлчаш ва бошқариш қурилмалари ишини кузатиш ва созлаш 계측 및 제어장치의 감시 및 조정
4. Хавфсизлик клапанлари, авариявий тўхтатиш тизими ва бошқа хавфсизлик қурилмалари учун автоматлаштирилган огоҳлантириш ва сигнализация тизимларини созлаш
   안전밸브, 긴급차단장치 및 기타 안전장치 및 자동경보장치의 조정
5. Муфта, флянец, клапан ва кранларда сизиб чиқиш аломатларини текшириш
   맨홀, 플랜지, 밸브 및 코크 등의 접합부에서 누출여부 점검
6. Намуналар йиғиш
   시료의 채취
7. Ишни вақтинча ёки қисман тўхтатиш ва қайта бошлаш тартиблари
   일시적 또는 부분적인 운전중단시의 작업방법 및 운전재개시 방법
8. Ёнувчи моддаларни узатиш: қабул қилиш иншоотларидан статик электр токини йўқотиш
   가연물질의 이송, 인입설비 등의 정전기 제거를 위한 조치
9. Фавқулодда вазиятларни бошқариш
   이상상태 발생 시의 응급조치

## Иш усуллари 작업방법

- Алангаланувчи суюқликларни резервуарга қуйганда, оқим тезлигини 1 м/с ёки ундан паст ҳолатда сақлаш ва суюқликни камида 15 дақиқа тинитиш орқали статик электр токи ҳосил бўлишини олдини олинг.
  인화성액체 등 위험물질을 탱크로리로 주입하는 경우에는 15분 이상의 정치시간을 두고 액체의 유속을 1m/sec 이하로 하는 등 정전기 발생을 방지하기 위한 조치를 취한다.
- Бочкадан алангаланувчи суюқликларни реактор ёки резервуарга кўчиришдан олдин бочкани ерга улагичга уланг. Ток ўтказадиган қувур ва ўтда ёнмас қуроллардан фойдаланинг.
  인화성액체 등 위험물질을 드럼으로부터 반응기나 탱크 등에 옮기는 경우는 드럼을 접지하고 전도성파이프를 사용하며 공구는 방폭형을 사용한다.
- Портлаш ёки ёнғинга мойил ҳудудларда пайвандлаш, кесиш ёки бошқа ўт чиқариш ишлари олиб бориш тақиқланади. Ёнингизда ўт чиқариши мумкин бўлган моддаларни олиб юрманг.
  폭발·화재위험이 있는 장소에서 용접, 용단 등의 작업, 착화원 가능성이 있는 기계기구를 사용하여서는 안되며, 착화원이 될 우려가 있는 물질을 휴대하지 않는다.




OPEN

Иншоотга қараб 설비별

Ишдан олдинги хавфсизлик техникаси текшируви
작업 전 안전점검

# Резервуарлар
저장탱크

조심조심 코리아
작업전 안전점검
당신의 생명을 지킵니다
2016 - 교육미디어 - 843

Uzbekistan

Резервуарлар кимёвий моддаларни сақлаш учун мўлжалланган ва ичига киши туша оладиган даражада катта бўлган контейнерлар ҳисобланади. Ишчи босимига қараб резервуарлар уч тоифага бўлинади: атмосфера босимли, паст босимли ва босим остидаги резервуарлар.
내부에 화학물질을 저장할 수 있도록 제작된 용기중 그 내부에 작업자가 들어갈 수 있도록 된 구조의 것을 말하며, 운전압력에 의하여 대기압, 저압탱크, 압력 탱크 등으로 구별된다.

## Хавфсизлик учун асосий хатарлар 주요 유해·위험 요인

- Резервуар ичида ишлаш вақтида асфиксия, ёнғин чиқиши ёки портлаш юз бериши хавфи.
  탱크내부 공간에서 작업 중 질식, 화재, 폭발 등의 위험
- Резервуар устида ёки ичида техник хизмат кўрсатиш ишларини бажараётганда ёнғин ёки портлаш содир бўлиши
  탱크 정비 보수 작업 중 인화성 증기 등에 의한 화재, 폭발위험
- Резервуарда сақланаётган модданинг хавф-хатари ҳақида етарли маълумотга эга бўлмаслик натижасида содир бўладиган бахтсиз ҳодисалар
  저장탱크 내부 위험물 정보 인식 미흡에 의한 재해위험
- Резервуар ичида учқун чиқарувчи электр жиҳоздан фойдаланиш натижасида содир бўладиган бахтсиз ҳодисалар
  저장탱크에서의 비방폭형 전기기계기구 등의 사용에 따른 재해위험



## Хавфсизлик тадбирлари рўйхати 안전점검 체크리스트

| Текшириш элементлари<br>점검항목 | Текшириш натижалари<br>점검결과 | Эҳтиёт чоралари<br>조치사항 |
|---|---|---|
| Вентилятор, портлашдан ҳимояловчи вентил ва алангаўчиргич каби ҳимояловчи жиҳозлар ўрнатилганми?<br>통기설비, 폭발방산구, 화염방지기 등의 방호설비가 적정하게 설치되어 있는가? | | |
| Алангаланувчи моддалар сизиб чиқиши хавфи бўлган жойларда газ датчиги, сигнализация, электр жиҳозлар ва учқун чиқармайдиган тизимлар ўрнатилганми?<br>인화성물질 누출이 우려되는 장소에는 방폭구조의 전기기계·기구, 가스검지 및·경보장치가 설치되어 있는가? | | |
| Хом-ашё турлари кўрсатилганми? Хом-ашё ишлатадиган жиҳозлар номи кўрсатилганми? Зарур жойларда, мой ушлаб қолувчи тўсиқлар ўрнатилганми?<br>원재료의 종류, 원재료가 공급되는 설비명 등이 표시되고 방유제가 적정하게 설치되었는가? | | |
| Манометр, оқим тезлиги ўлчагичи, сарфўлчагич, термометр ва сатҳ ўлчагич тўлиқ ишга шай ҳолатдами?<br>압력계, 유량계, 온도계, 레벨게이지 등의 계기류는 정상적으로 동작하는가? | | |
| Учқун чиқармайдиган электр жиҳоз ва аппаратлар портлашга мойил ҳудудларда ишлатиладими?<br>위험물을 저장 및 취급하는 경우 폭발위험장소에는 방폭형 전기기계·기구를 사용하는가? | | |
| Хавфли буюмлар билан ишлаш ёки уларни ташишдан олдин статик электр токини йўқотиш учун ерга уланиш бажарилаяптими?<br>위험물 취급 및 이송 시 발생하는 정전기를 제거하기 위해 본딩 및 접지는 실시하는가? | | |
| Резервуарларнинг ички/устки юзаларида, уланиш жойларида, бортлари ёки пойдеворида коррозия ёки дарз кетиш аломатлари борми?<br>저장탱크 내외면 및 이음매, 플랜지, 기초부 등에 부식 및 균열이 발생하였는가? | | |
| Резервурни тўлдиришдан олдин у хавфли моддаларр ва инерт газлардан тозаланадими? Тегишли даражада вентиляция қилинадими?<br>입조작업 전 위험물질방출 및 차단, 불활성가스 치환, 환기 등은 적절하게 이루어졌는가? | | |
| Резервуарни тўлдиришдан олдин кислород ва захарли газлар концентрацияси ўлчанадими? 입조작업 전 산소 및 유해가스농도는 측정하는가? | | |

# Резервуар билан ишлашда юз берадиган бахтсиз ҳодисаларга мисоллар
저장탱크 작업 중 재해사례

## 1-мисол 재해사례 1 Резервуарда ўрнатиладиган қувурларни кесиш вақтида портлаш
저장탱크에 배관 설치 용단작업 중 폭발

Уч ишчи резервуарга уланадиган қувурни кесаётган эди. Қувур резервуарга пайвандланаётганида резервуар ичидаги алангаланувчи қолдиқ буғлар ўт олди ва портлаш юз берди, бунинг натижасида икки ишчи ҳалок бўлди ва бир ишчи яраланди.
중고로 들어온 저장탱크 배관을 설치하기 위해 작업자 3명이 용단 작업을 하던 중 저장탱크 내 잔류하고 있던 벙커C유 인화성 증기에 용접. 불티가 점화되어 폭발(사망 2, 부상 1)



### Олдини олиш 예방대책

- Илгари алангаланувчи моддалар сақланган резервуарларга аланга ёки электр ёй ишлатманг, у ёнғин ёки портлашга олиб келиши мумкин.
  벙커C유 등 인화성 물질이 있는 저장탱크는 폭발 또는 화재가 발생할 우려가 높으므로 불꽃 또는 아크를 발생하거나 화기작업을 금지
- Хавфли ёки алангаланувчи моддалар қолдиқлари бўлиши мумкин бўлган резервуарга, қувурга ёки бочкага аланга қўллашдан олдин, уни тозалаб, ичида қолган буғларни чиқариб юборинг.
  위험물 또는 인화성 유류 등이 존재할 위험이 있는 탱크, 배관, 드럼 등의 용기에 화기작업을 실시할 때에는 인화성 물질 제거 후 세정작업 또는 불활성 가스로 치환하는 등의 안전조치를 실시

## 2-мисол 재해사례 2 Портлаш натижасида резервуар устидан ерга йиқилиш
인화성 물질 저장탱크 상부의 화재·폭발로 떨어짐

Ишчи зажигалка ёрдамида 6 м баландликка эга ва алангаланувчи модда сақланаётган резервуарни унинг тепасидаги туйнук орқали текширмоқчи бўлган. Туйнукдан чиқаётган алангаланувчи буғлар ўт олиб, портлаш юз берган, у ишчини резервуар устидан улоқтириб юборган.
높이 6미터의 인화성 물질 저장탱크 상부에서 맨홀을 통해 내부 유량을 점검하기 위해 라이터를 켜는 순간, 맨홀을 통해 증발한 인화성 증기에 점화되면서 화재·폭발이 발생하여 그 충격에 의해 지면으로 떨어짐



### Олдини олиш 예방대책

- Алангаланувчи моддаларнинг ўт олиши натижасида ёнғин ёки портлаш юз бериши мумкин бўлган жойларда алангадан фойдаланиш таъқиқланади.Бунинг ўрнига горелкадан фойдаланинг.
  인화성 증기로 인한 화재·폭발 위험이 있는 장소에서는 직접 점화원이 될 수 있는 화기의 사용을 금지하고 부득이한 경우 방폭형 손전등을 사용
- Алоҳида тайинланган ходимлар қўлда текширишига тўғри келмаслиги учун ўлчов асбобларини ишчи ҳолатда сақланг.
  자동 계측장치는 항상 그 기능을 유지토록 하여 근로자가 불필요하게 위험 장소에 접근하는 것을 방지

Иншоотга қараб 설비별

Ишдан олдинги хавфсизлик техникаси текшируви
작업 전 안전점검

# Кўприк кран
천장크레인

조심조심 코리아
작업전 안전점검
당신의 생명을 지킵니다
2016 - 교육미디어 - 844

Uzbekistan

Кўприк кран икки бир-бирига қарама-қарши турган девор бўйлаб ўрнатилган рельслар ва уларга перпендикуляр қилиб ўрнатилган ва рельсда юрувчи балкадан ташкил топади. Балка юкларни кўтариш ва ташиш учун илгакни қайтиб олиш ва бўшатиш учун мўлжалланган тележка билан жиҳозланган бўлади.
서로 마주보는 벽을 따라 레일을 부설하고, 이 레일에 직각으로 주행하는 빔(beam)을 걸친다. 이 빔에 권상 및 횡행장치를 갖는 트롤리(trolley)가 부설되어 트롤리로부터 훅(hook)를 내려서 중량물을 인양 운반하는 기계기구이다.

## Хавфсизлик учун асосий хатарлар
주요 유해·위험 요인

- Трос бўшаши натижасида юк тушиб кетиши
  와이어로프의 파단으로 중량물이 떨어짐
- Юк илгакдан тушиб кетиши
  훅에서 보조 달기구 이탈로 인하여 중량물 떨어짐
- Юк ташилаётганда одамга урилиб кетиши
  중량물 운반 시 작업자와의 중량물의 부딪힘
- Рельсда техник хизмат кўрсатишни бажараётган ишчи ундан қулаши
  주행레일 상부에 임의 출입 또는 정비 · 보수작업 중 떨어짐



## Хавфсизлик тадбирлари рўйхати 안전점검 체크리스트

| Текшириш элементлари 점검항목 | Текшириш натижалари 점검결과 | Эхтиёт чоралари 조치사항 |
| --- | --- | --- |
| Трос, занжир ёки илгак бутми ёки ўта эскирмаганми? 와이어로프 또는 체인, 줄걸이 용구의 마모 및 손상이 없는가? | | |
| Ишчилар рельс устида ишлаганда сақлагич камарини тақадиларми? 주행레일 상부에서 수리·점검시 안전대 등 추락방지조치 후 작업을 하고 있는가? | | |
| Ортиқча юкдан ҳимояловчи қурилма тўғри ишлайдими? 천장크레인에 과부하방지장치는 정상적으로 작동하는가? | | |
| Чекланган баландликдан юқорига кўтаришга йўл қўймайдиган қурилма тўғри ишлайдими? 천장크레인에 권과방지장치는 정상적으로 작동하는가? | | |
| Авариявий тўхтатиш тугмаси тўғри ишлайдими? 펜던트스위치에 비상정지버튼은 정상적으로 작동하는가? | | |
| Осма пульт бутми? 펜던트스위치는 손상되거나 파손된 곳이 없는가? | | |
| Илгакнинг ҳимоя зашчелкаси борми? 훅 해지장치는 부착되어 있는가? | | |
| Иш бошланишидан олдин тормозлар, муфта ва трос ҳар куни текшириладими? 매일 작업 시작 전 브레이크, 클러치, 와이어로프의 이상여부를 점검하는가? | | |
| Кўприк кран ерга улагич орқали уланганми? 천장크레인은 접지가 되어 있는가? | | |
| Кўприк краннинг юк оғирлиги чекловига риоя қилинадими? 천장크레인으로 중량물 인양 시 정격하중을 준수하는가? | | |
| Кўприк кран фақат шу ишга тайинланган ходимлар томонидан ишлатиладими? 크레인 운전은 지정된 근로자만 하는가? | | |
| Ишчилар ҳимояловчи пойабзал ва ҳимоя каска кийишадими? 작업자는 안전화, 안전모를 착용하고 있는가? | | |

산업재해예방 안전보건공단

# Кўприк крандан хавфсиз фойдаланиш қоидалари

천장 주행 크레인의 안전작업

## Осма пульт орқали бошқариладиган кўприк кранлар 지상조작식(펜던트 스위치 조작식) 천장주행크레인의 운전

- Фақат алоҳида тайинланган операторлар кўприк кранда ишлашлари керак. Операторлар кўприк кранда хавфсиз ишлаш бўйича ўқув тайёргарлигини кўрган бўлишлари керак.
  운전은 지정된 자만 수행하며, 근로자에게는 작업요령 등 안전조작에 관한 사항을 충분히 교육한다.
- Осма пультнинг кабели ва тугмаси бутлигини текширинг.
  펜던트 스위치의 케이블, 누름버튼 스위치의 동작상태를 점검한다.
- Ишчи юк билан бирга ҳаракатланиши учун йўналиш белгиланг. Йўналишда етарлича бўш жой бўлишини таъминланг.
  매단 물체와 함께 이동해야 하므로 보행지역을 정하고 이동범위의 여유 공간 등을 확보한다.
- Ишчи илгакни тўғрилаши учун кранни тўхтатишга тўғри келса, осма пультдан электр таъминотини ўчиринг.
  운전 중에 크레인을 일시 정지하고 줄걸이작업 등을 할 때에는 펜던트 스위치의 조작전원을 끈 후 작업한다.
- Осма пульт орқали кранни ишлаётган йўналишига қарши йўналтириб бошқаринг.
  크레인의 운전방향과 펜던트 스위치의 방향을 확인하면서 스위치를 조작한다.

## Масофадан бошқариш пульти ёрдамида бошқариладиган кўприк кранлар 무선조작식 천장주행크레인의 운전

- Фақат алоҳида тайинланган операторлар кўприк кранда ишлашлари керак. Операторлар кўприк кранда хавфсиз ишлаш бўйича ўқув тайёргарлигини кўрган бўлишлари керак.
  운전은 지정된 자만 수행하며, 근로자에게는 작업요령 등 안전조작에 관한 사항을 충분히 교육하여야 한다.
- Масофадан бошқариш пульти  дастаги ва тугмаси бутлигини текширинг. Электр таъминоти тугмасини ўчириш ҳолатига қўйган ҳолда созламаларни ўзгартиринг.
  제어장치의 누름버튼 스위치, 핸들 스위치 등의 동작상태를 확인하며, 이때의 전원용 키스위치는 꺼짐 상태로 한다.
- Юриб кета туриб кранни бошқарманг. Агар кранни бошқара туриб юришингизга тўғри келса, хавфсиз йўлдан юринг.
  원칙적으로 걸어가면서 운전하지 않으며, 부득이 운전하면서 걸어가는 경우에는 안전통로를 사용한다.
- Оператор бир ўзи ишлаб турганда, илгакни тўғрилаши керак бўлса, аввал масофадан бошқариш пультидан электр таъминотини ўчириш ҳолатига ўтказинг.
  단독작업으로 운전자가 줄걸이작업을 할 때 제어장치의 스위치를 꺼짐 상태로 둔다.
- Кўтарилган юк бошқа бир предмет билан тўқнашиши туфайли келиб чиқадиган бахтсиз ҳодисаларни олдини олиш учун крандан хавфсиз масофада туринг.
  운전 중 매단 물체의 흔들림, 다른 물체의 접촉에 의한 재해 예방을 위해  안전한 피신거리를 확보한다.
- Масофадан бошқариш пульти доим операторнинг ўзи билан бўлиши, агар оператор ишламаётган бўлса ёки танаффусда бўлса, белгиланган жойда сақланиши керак.
  제어장치는 항상 운전자가 소지해야 하며 작업종료, 휴식 시에 지정된 장소에 보관한다.






Ишдан олдинги хавфсизлик техникаси текшируви
작업 전 안전점검

# Автокран
이동식 크레인

조심조심 코리아
작업전 안전점검
당신의 생명을 지킵니다
2016 - 교육미디어 - 845

Uzbekistan

Автокранлар ишлаб чиқариш ва қурилиш саноатида узвий рол ўйнайди. Улар оғир юкларни ташиш ва ортиш ишларида хеч нарса билан ўрнини босиб бўлмайдиган муҳим техника ҳисобланади. Ишчилар ва ходимлар Автокранлар билан ишлаш ҳақида етарли маълумотга эга бўлмаганлари сабабли улар билан ишлашда тез-тез бахтсиз ҳодисалар бўлиб туради.
제조·건설 등 여러 분야에서 중량물의 운반·적재·하역용으로 널리 사용되고 있으나, 사업주 및 근로자의 이동식 크레인에 대한 위험성 인식 부족, 안전수칙 미준수 등으로 재해 발생 빈도가 높다.

## Хавфсизлик учун асосий хатарлар 주요 유해·위험 요인

- Тирков таянчлар ўрнатилган жойда ер чўкиши.
  아웃트리거가 설치된 연약지반이 침하되면서 넘어짐
- Ишчи радиус ва кўтарилаётган юк вазнини стрела узунлиги ва бурчагига мос келмаслигини ҳисобга олмаслик.
  위치 및 붐 길이에 따른 작업 반경 및 인양하중을 고려하지 않은 상태로 작업 중 무너짐
- Автокраннинг муҳим қисмларини текширмаслик
  주요 구조부 점검 미흡에 따른 재해 위험
- Юқори кучланишли линиялар билан контакт. Юк тушиб кетиши.
  화물 인양 중 고압선 접촉, 화물 떨어짐



## Хавфсизлик тадбирлари рўйхати 안전점검 체크리스트

| Текшириш элементлари 점검항목 | Текшириш натижалари 점검결과 | Эхтиёт чоралари 조치사항 |
|---|---|---|
| Тегишли махсус кийим-бош кийилганми? 안전모, 안전화 등 개인보호구를 착용하였는가? | | |
| Ер чўкиши хатари борми? Агар бўлса, таянч конструкция ўрнатилганми? 지반은 침하우려가 없는가? 있다면 받침대는 준비되었는가? | | |
| Ишни бошлашдан аввал Автокраннинг муҳим уланиш жойлари текшириладими? 작업시작 전 본체 주요부의 조임·연결 상태 등을 점검하였는가? | | |
| Механик узатма ўчирилганда, барча узатгич дастакларлари нейтрал позицияда бўладими? PTO를 켜지 않은 상태에서 모든 작동 레버는 중립에 위치하고 있는가? | | |
| Тирков таянч ер юзасида текис ҳолатдами? 아웃트리거는 지면과 수평을 유지하고 있는가? | | |
| Жиҳозлар, индикаторлар, созлагичлар ва ҳимояловчи мосламалар тўғри ишлаяптими? 각종 계기, 지시계, 조정장치, 안전장치는 정상 작동하는가? | | |
| Автокраннинг ишчи радиусидаги масофага одамлар кириши ман қилинганми? 작업반경내 근로자 출입을 통제하고 있는가? | | |
| Оператор Автокраннинг оғирлик кўтариш қуввати масофага қараб фарқ қилишидан хабардорми, бу номинал юк кўтариш кўрсаткичлари жадвалида берилган? 정격하중표의 거리별 하중능력을 숙지하고 있는가? | | |
| Юк кўтариш учун занжирлар сони етарлими? 중량물 체결 줄걸이 수는 적정한가? | | |
| Иш тугатилганида механик узатма каби созлагичлар ўчириладими? PTO 등 조정 장치는 OFF하였는가?(작업완료시) | | |

산업재해예방 안전보건공단

# Автокранлардан хавфсиз фойдаланиш

이동식 크레인 작업 시 안전

## Автокранни ўрнатишдаги хавфсизлик қоидалари 이동식 크레인 설치 시 준수사항

- Иш худудида халақит берувчи нарсалар йўқлигига ишонч ҳосил қилинг. Бегоналар киришини чекланг.
  작업장 장애물을 확인하고 관계자 외의 출입을 통제한다.
- Қаттиқлиги текширилган жойда тирков таянч ўрнатинг. Агар у сирпанувчи ёки бўш бўлса, таянч конструкция ёки пол ўрнатинг.
  아웃트리거 설치 시 지지력을 확인한 견고한 바닥에 설치하고, 미끄럼 방지나 보강이 필요한 경우 받침이나 매트 등의 위에 설치한다.
- Автокранни ўрнатиш вақтида горизонтал мувозанатни таъминланг.
  이동식 크레인의 수평 균형을 확인하여 거치한다.




## Ишни бошлашдан олдин текшириладиган нарсалар 작업 전 확인사항

- Кўтариш ўқи ва илгак каби муҳим қисмларни текширинг. Зарур бўлса, уларни таъмирланг ёки алмаштиринг.
  지브, 훅 차체 등 주요부를 점검하고 이상 발견 시 수리, 교체 등의 조치를 한다.
- Атрофда Автокран ишига халақит берувчи нарсалар йўқлигига ишонч ҳосил қилинг.
  장소 주변의 인양작업에 간섭될 수 있는 장애물 여부를 점검한다.
- Юк вазнини рухсат берилган номинал юк вазнлари жадвалидан текшириб олинг. Ишлаш радиуси худудига бегоналар учун кириш чекланишини таъминланг.
  정격하중과 인양물의 중량을 확인하고, 작업 반경 내에 관계자 외의 출입통제 조치를 확인한다.




## Кранни бошқаришдаги эхтиёт чоралари 작업 전 안전수칙

- Илгакдан юклар тушиб кетмаслиги учун илгакнинг ҳимоя зулфинидан фойдаланинг.
  훅 해지장치를 사용하여 인양물이 훅에서 이탈하는 것을 방지한다.
- Автокран ағдарилиб кетмаслигини олдини олиш учун тиргак таянч мустаҳкам ўрнатилишини таминланг.
  크레인의 인양작업 시 전도 방지를 위하여 아웃트리거 설치 상태를 점검한다.
- Стрела ишлаш бурчакларига нисбатан ишлаб чиқарувчи томонидан ўрнатилган юк чекловларига риоя қилинг.
  이동식 크레인 제작사의 사용기준에서 제시하는 지브의 각도에 따른 정격하중을 준수한다.
- Трос, илгак, илгакнинг зашчелкаси ва халқалар ҳолатини тез тез текшириб туринг.
  슬링(와이어로프·섬유벨트 등), 훅 및 해지장치, 섀클 등의 상태를 수시 점검한다.
- Баландликка кўтаришни чекловчи ва ортиқча юкдан сақловчи мосламалар ҳолатини тез-тез текшириб туринг.
  권과방지장치, 과부하방지장치 등의 방호장치를 수시 점검한다.
- Юкнинг шакли, вазни ва хусусиятларига қараб тегишли эхтиёт чоралари кўрилишини таъминланг. Тросни 60° ёки ундан кичик бурчакда илинг.
  인양물 형상, 무게, 특성에 따른 안전조치와 줄걸이 와이어로프의 매단 각도는 60˚이내로 한다.
- Юк кўтарганда сигнал берувчини тайинланг. Оператор берилаётган сигналларга қараб кранни бошқариши керак.
  인양작업 시 신호수를 배치하며, 운전원은 신호수의 신호에 따라 인양작업을 수행한다.
- Кўтарилган юк бошқа нарсаларга урилмаслиги учун йўналтирувчи арқондан фойдаланинг.
  인양물의 충돌 등을 방지하기 위하여 인양물을 유도하기 위한 보조로프를 사용한다.
- Узунчоқ юкларни кўтаришда уларни горизонтал ҳолатда ушланг.
  긴 자재는 경사지게 인양하지 않고 수평을 유지하여 인양토록 한다.

OPEN 공공누리

Ишдан олдинги хавфсизлик техникаси текшируви
작업 전 안전점검

# Автоуловга ўрнатилган автогидрокўтаргич
고소작업대(차량 탑재형)

Иншоотга қараб 설비별

조심조심 코리아
작업전 안전점검
당신의 생명을 지킵니다
2016 - 교육미디어 - 846

Uzbekistan

Автогидрокўтаргич платформа, кўтаргич ўқи ва машинадан ташкил топган бўлиб, ишчини тепага кўтариш учун мўлжалланган. Автоуловга ўрнатилган автогидрокўтаргич кўтаргич ўқи ёрдамида унинг платформасида турган ишчини кўтаришга хизмат қилади. У асосан баландликда бажариладиган вазифалар (масалан, ташқи девор қуриш, ойна ўрнатиш, белгилар ўрнатиш ва таъмирлаш ишлари) бажаришни талаб қиладиган ишлар учун қурилиш объектларида фойдаланилади.
고소작업대란 작업대, 연장구조물(지브), 차대로 구성되며 사람을 작업 위치로 이동시켜주는 설비를 말한다. 차량 탑재형은 작업대에 작업자를 탑승시킨 상태에서 동력을 이용·붐대를 상승시켜 건물 외벽공사, 유리공사, 간판 설치·보수작업 등의 고소작업을 하는 장비로 주로 건설현장에서 사용된다.

## » Хавфсизлик учун асосий хатарлар 주요 유해·위험 요인

- Рухсат қилинган радиус ташқарисига чиқиб кетиш ёки носоз ён таянчлар ўрнатиш натижасида ағдарилиб кетиш
  허용 작업반경 초과 또는 아웃트리거 설치불량 등으로 넘어짐
- Кўтаргич ўқи бўғимининг бузилиши ёки трос узилиши натижасижда платформанинг қулаши
  1단 붐 용접부 파단, 붐 인출 와이어로프 파단 등으로 작업대 떨어짐
- Хавфсизлик тўсиқлари йўқлиги натижасида ишчининг платформадан қулаши 안전난간 미설치 등으로 작업자 떨어짐
- Ўта юқори баландликка кўтарилиш натижасида ишчининг қулаши 작업대 과상승으로 인한 끼임



## Автоуловга ўрнатилган автогидрокўтаргичларда одатда ишлатиладиган ҳимояловчи мосламалар
고소작업대에 사용되는 주요 방호장치(차량탑재형)



Бошқариш блокига ўрнатилган монитор
통합 컨트롤러 및 모니터



Ортиқча юк олишдан ҳимояловчи мослама (юк қутиси)
과부하방지장치(로드셀)



Ўқ узунлиги датчиги
붐 길이센서



Ўқ бурчаги датчиги
붐 각도센서



Ўқ/таянчни ҳимояловчи блокиратор
붐, 아웃트리거 인터록 장치



Таянч датчиги
아웃트리거 감지 센서



Айланиш датчиги
선회 감지센서




Аварияний тўхтатиш тугмаси
비상정지장치

Safety Point

Uzbekistan

# Кўтаргич платформалардан хавфсиз фойдаланиш қоидалари

고소작업대 사용 작업 시 안전

## Асосий меҳнат хавфсизлигига бўлган хатарларга қарши чоралар 주요 발생형태별 안전대책

### Ағдарилиб кетиш
넘어짐 위험

1. Ортиқча юк олишдан ҳимояловчи қурилмасини ва айланиш моменти датчигини ўрнатиб, уларни ишлайдиган ҳолатда сақланг. Рухсатсиз ҳимояловчи мосламаларни ўчирманг.
   과부하방지장치, 모멘트 감지장치 등을 설치하고 기능을 정상적으로 유지 (방호장치 기능 임의해제금지)
2. Ўқнинг кўтарилиш бурчаги ва юкни ўқ узайишига мутаносиб диапазонда сақланг.
   붐 인출 길이에 따른 각도, 적재하중 준수
3. Маҳкам туришини таъминлаш учун таянчни маҳкам ўрнатинг.
   아웃트리거의 확실한 설치·사용 (발판 수평유지)



### Йиқилиш
작업대 떨어짐 위험

1. Ўқдаги пайвандланган жойларда дарз кетиш аломатлари бор - йўқлигини синчковлик билан текширинг.
   1단 붐 용접부 균열발생 여부 점검(육안 및 비파괴검사)
2. Бурилиш платформасининг пайвандланган жойларда дарз кетиш аломатлари бор - йўқлигини текширинг. Болтлар маҳкам қотирилганлигини текширинг.
   턴테이블 용접부 균열발생 여부 및 볼트 체결상태 점검
3. Ўқнинг троси диаметри бўйича емирилиши ва узилиш бор - йўқлигини текширинг. Қотирилган жойлар бутлигини текширинг
   붐 인출 와이어로프 직경감소, 단선 및 고정금구 파손여부 점검

### Қулаб тушиш
떨어짐 위험

1. Хавфсизлик тўсиқларини олиб ташламанг.
   작업방향 안전난간 해체 금지
2. Зарур ҳимояловчи мосламаларни ўрнатиб, улардан фойдаланинг.
   안전대 부착설비 설치 및 사용 철저

### Эзилиш
끼임 위험

1. Кўтариш баландлигини чекловчи мосламада иш жойи талабларидан келиб чиққан ҳолда баландликни белгиланг. Рухсатсиз кўтарилишни чекловчи мосламани ўчирманг.
   작업환경에 맞게 과상승방지장치 작동높이 조정 및 임의해제 금지
2. Мўлжалланган баландликка етилганда аварияви тўхтатиш тугмасидан фойдаланинг.
   작업위치(높이) 도달 후 비상정지장치 작동

OPEN 공공누리

산업재해예방 안전보건공단

Инишоотга қараб 설비별

Ишдан олдинги хавфсизлик техникаси текшируви
작업 전 안전점검

# Қайчисимон автогидрокўтаргич (АГК)
고소작업대(시저형)

조심조심 코리아
작업전 안전점검
당신의 생명을 지킵니다
2016 - 교육미디어 - 847

Uzbekistan

Автогидрокўтаргич платформа, кўтаргич ва автоуловдан ташкил топади. У ишчини тепага кўтариш учун мўлжалланган машина. Қайчисимон автогидрокўтаргич ишчини шифтдаги қувурларни таъмирлаш ёки чироқларни алмаштириш каби ишларни баландликда бажариш учун мотор кучи ёрдамида баландликка кўтаради.
고소작업대란 작업대, 연장구조물(지브), 차대로 구성되며 사람을 작업 위치로 이동시켜주는 설비를 말한다. 시저형은 작업대에 작업자를 탑승시킨 상태에서 동력을 이용·가위형 구조물을 상승시켜 천장배관 보수, 전등교체 등의 고소작업을 하는 곳에 주로 사용된다.

## Хавфсизлик учун асосий хатарлар
주요 유해·위험 요인

- Таянч нотўғри ўрнатилгани натижасида платформа тушиб кетиши
  아웃트리거 설치불량 등으로 넘어짐
- Носоз тўсиқ ёки тўсиқ йўқлиги сабабли ишчининг платформадан тушиб кетиши
  안전난간 미설치 등으로 작업자 떨어짐
- Ўта юқори баландликка кўтарилиш натижасида ишчи платформа ва шифт ўртасида қисилиб қолиши
  작업대 과상승으로 인한 끼임



## Қайчисимон автогидрокўтаргичларда одатда ишлатиладиган ҳимояловчи мосламалар
고소작업대에 사용되는 주요 방호장치(시저형)



Ортиқча юкдан ҳимояловчи қурилма (босим тугмаси)
과부하방지장치(압력스위치)



Йиқилишга қарши клапан (хавфсизлик клапани)
낙하방지밸브(안전밸브)



Тезлик чеклагичи
주행속도 제한장치



Қиялик индикатори (текислик датчиги)
경사표시장치(수평감지센서)



Авариявий тўхтатиш тугмаси ва бошқариш блокировкаси
비상정지장치 및 조작레버 잠금장치




Авариявий ҳимоялаш мосламаси (тушириш клапани)
비상안전장치(하강밸브)



Ҳимоялаш блоки
안전블록



Кўтариш чеклагичи
과상승방지장치

산업재해예방
안전보건공단

# Қайчисимон автогидрокўтаргичдан хавфсиз фойдаланиш

고소작업대 사용 작업 시 안전

## Асосий меҳнат хавфсизлигига бўлган хатарларга қарши чоралар 주요 발생형태별 안전대책

### Ағдарилиб кетиш
넘어짐 위험

❶ Ортиқча юкдан ҳимояловчи қурилмани ва кўтариш чекловини ўрнатиб уларни ишлайдиган ҳолатда сақланг. Рухсатсиз ҳимояловчи мосламаларни ўчирманг
과부하방지장치, 과상승 방지장치 등을 설치하고 기능을 정상적으로 유지
(방호장치 기능 임의해제금지)

❷ Автогидрокўтаргич (АГК) ишлатиладиган ҳудуднинг юзаси текислигини текширинг.
고소작업대를 설치할 바닥 경사 및 평탄상태 확인

❸ Маҳкам туришини таъминлаш учун таянчни маҳкам ўрнатинг
아웃트리거의 확실한 설치·사용(발판 수평유지)

### Қулаш
작업대 떨어짐 위험

❶ Ишчилар платформадан қулаб тушишларини олдини олиш учун йиқилишдан сақловчи клапанни ўрнатиб, уни ишчи ҳолатда сақланг.
작업대의 떨어짐을 방지하기 위한 낙하방지밸브를 설치하고 정상적으로 유지

❷ Пайвандланган жойларида дарз кетиш аломатлари йўқлигини текширинг. Болтлар маҳкам қотирилганлигига ишонч ҳосил қилинг.
용접부 균열발생 여부 및 볼트 체결상태 점검

### Қулаш
떨어짐 위험

❶ Хавфсизлик тўсиқларини олиб ташламанг
작업방향 안전난간 해체 금지

❷ Зарурий барча ҳимояловчи мосламаларни ўрнатиб, улардан фойдаланинг
안전대 부착설비 설치 및 사용 철저



### Мажақланиш
끼임 위험

❶ Кўтариш чеклагичи мосламасида баландлик лимитини иш жойи талабларига қараб белгиланг. Кўтаришни чекловчи мосламани рухсатсиз ўчириб қўйманг.
작업환경에 맞게 과상승방지장치 작동높이 조정 및 임의해제 금지

❷ Мўлжалланган баландликка етилганда авариявий тўхтатиш тугмасидан фойдаланинг.
작업위치(높이) 도달 후 비상정지장치 작동

OPEN 공공누리

Ишдан олдинги хавфсизлик техникаси текшируви
작업 전 안전점검

# Саноат лифти
일반 작업용 리프트

Иншоотга караб 설비별

조심조심 코리아
작업전 안전점검
당신의 생명을 지킵니다
2016 - 교육미디어 - 848

Uzbekistan

Саноат лифти йўналтирувчи рельслар бўйлаб ҳаракатланадиган ва ўрнатма платформага эга кўтариш қурилмасидир. Саноат лифтлари асосан қурилиш объектларида юк ташиш учун фойдаланилади, бунда юк ташилаётганда лифт ичида инсон мавжуд бўлмайди
일반 작업용 리프트란 동력에 의하여 가이드레일을 따라 움직이는 운반구를 사용하여 사람이 탑승하지 않고 화물을 운반하기 위한 설비 또는 이와 유사한 구조 및 성능을 가진 것으로 건설현장 외의 장소에서 사용하는 것을 말한다.

## Хавфсизлик учун асосий хатарлар 주요 유해·위험 요인

- Лифт ишчини босиб қолиши
  운반구와 승강로 구조물 및 바닥면 사이에 갈림
- Ишчи текшириш ёки техник хизмат кўрсатиш вақтида платформадан йиқилиб тушиб кетиши
  점검·보수시 개구부 또는 운반구에서 떨어짐
- Занжир, илгак ёки трос узилиши сабабли ичида ишчи бўлган лифт тушиб кетиши
  운반구 탑승 중 체인, 훅, 와이어로프 파단으로 떨어짐
- Лифт йўналтирувчи рельсда бўлган ҳолатида нотўғри бошқариш натижасида лифт шахтадан тушиб кетиши
  운반구가 레일 등에 끼여 있는 상태에서 오조작시 운반구 떨어짐



Лифтдан фойдаланиш
리프트의 예

## Меҳнат хавфсизлиги қоидалари 안전수칙

- Лифтда йўловчилар бўлиши ман қилинади.
  운반구에 작업자 탑승을 금지한다.
- Юк вазни чекловларидан чиқманг.
  정격하중을 초과하여 적재하지 않는다.
- Лифт эшигидаги блокираторни (чекловни ўчириб - ёқиш қурилмаси)олиб ташламанг ёки уни ўчирманг.
  출입문 연동장치(입·출입구 리미트 스위치) 임의 제거, 기능 무효화 등 금지한다.
- Лифт ишлаганда ноодатий шовқин ёки вибрация бўлиши ҳолларини текширинг.
  운행 중 이상음, 이상진동 등의 발생여부를 확인하면서 운행한다.
- Эшикни силкитманг, унга суянманг ёки куч билан очманг.
  출입문을 흔들거나 기대거나 강제로 열지 않는다.
- Белгиланган баландлик чекловидан юқорига кўтармайдиган мослама (автоматик тўхтатиш тизими) ўрнатиб, уни ишчи ҳолатда сақланг.
  권과방지장치(상, 하한 자동정지장치)를 설치하고 기능을 정상으로 유지한다.
- Платформа ва шахта орасида бегона материал бор-йўқлигини текширинг.
  운반구와 승강로 사이에 이물질 삽입여부 수시로 확인한다.
- Иш тугаши билан платформани энг пастки қаватга туширинг. Иш куни тугаши билан лифтни электр таъминотидан ўчиринг.
  작업 종료 후 운반구는 최하층에 위치하고, 일일 작업종료 후에는 주전원을 차단한다.
- Платформа мувозанатини сақлаши учун юкларни платформа ўртасида тўпланг.
  화물은 운반구의 중앙부분에 적재하여 편심을 방지한다.
- Техник хизмат кўрсатиш ва текширувлар олдидан лифтни электр таъминотидан ўчиринг. “Техник хизмат кўрсатилаяпти. Фойдаланиш тақиқланади” деган белги ўрнатинг.
  정비, 점검, 보수 등의 작업 시에는 주 전원을 차단하고, “점검 중 조작금지”표지(꼬리표)를 게시한다.
- Лифт ва юк ортиш платформасига эшик ўрнатинг. Эшик очилганида лифт тўхташини таъминланг.
  승강장과 운반구에 출입문을 설치하고, 문을 열 경우 운반구가 정지되도록 연동을 시킨다.

# Саноат лифтларидан хавфсиз фойдаланиш

## 일반 작업용 리프트 사용 안전

## Ҳимоя мосламаларининг функциялари 안전장치의 역할

### Эшик блокиратори
**출입문 연동장치**

эшик очиқлигида лифтни пастга ёки тепага юришига имкон бермайди.

운반구의 출입문이 열려 있는 상태에서 운반구 상승·하강이 되지 않도록 하는 장치

### Ортиқча баландликка кўтарищдан ҳимояловчи мослама **권과방지장치**

лифтни тўхтатиш учун, у шахтанинг энг юқори қисмига чиқмасидан чекловчи мосламани ишга туширади.

운반구가 승강기 최상부 도착 전 리미트 스위치가 작동하여 운전을 정지시키는 장치

### Аварияви тўхтатиш тугмаси
**비상멈춤장치**

сиқма пружина ва тормоз ўқидан ташкил топган. Трос ёки занжир узилса, у лифтни тўхтатади ва тушиб кетишига йўл қўймайди.

압축스프링과 멈춤핀을 이용한 안전장치로서 로프(또는 체인) 파단 시 멈춤장치가 작동하여 운반구의 추락을 방지하는 장치

### Ортиқча юк ортищдан ҳимояловчи мослама
**과부하 방지장치**

юк вазни чекловдан ошиб кетса, лифтни автоматик равищда тўхтатиб, сигнал беради.

운반구에 적재하중 초과적재 시 경보음을 내면서 작동을 자동으로 정지시키는 장치

### Осма тизими
**완충장치**

лифт тушиб кетса ёки катта тезликда пастга ҳаракатланса, зарбни ўзига сингдирувчи шахтанинг остидаги пружиналар.

운반구의 추락 또는 과하강 시 충격을 완화시키기 위하여 승강로 바닥면에 완충 스프링(또는 오일버퍼)을 설치

### Индикатор **경광등**

лифт етиб келишига ишора қилувчи ва ҳар бир юк ортиш платформасида ўрнатилган қизил чироқ.

운반구의 도착여부를 알리기 위하여 적색 경광등을 탑승장마다 부착 사용

### Эшик блокиратори **탑승구 연동문**

юк ортиш платформаси эшиги очиқ бўлганда, лифтни пастга ёки тепага юришига имкон бермайди.

탑승장의 출입문이 열려 있는 상태에서는 운반구의 상승·하강이 되지 않도록 하는 장치

### Ҳимояловчи тўсиқ
**방호울**

лифт конструкциясини одамлар ва предметлардан тўсиш учун лифт юриш шахтасининг ташқарисига ўрнатилган ҳимоя тўри ёки панели.

운반구의 이동통로 외측면에 철망 또는 철판 등을 부착하여 신체의 내부접근, 부품의 낙하, 장해물 접근 등을 방지



Ишдан олдинги хавфсизлик техникаси текшируви
작업 전 안전점검

# Пресс ускуналар
프레스

Иншоотга қараб 설비별

조심조심 코리아
작업전 안전점검
당신의 생명을 지킵니다
2016 - 교육미디어 - 849

Uzbekistan

Пресс ускуналар билан асосан кичик корхоналар ишлайди. Улардан, одатда, турли-туман маҳсулотларни кичик ҳажмларда ишлаб чиқаришда фойдаланилиши сабабли, умумий олганда эҳтиёт чоралари етарли даражада кўрилмайди. Пресс билан ишлашда жароҳатланиш ҳоллари кўп учрайди, чунки қисқа вақт ичида кўп куч сарфланади. Прессда ишлайдиган ишчилар кўпгина хатарлар таъсири остида бўлади.
프레스작업은 단시간에 많은 힘을 가해 가공하므로 자칫하면 신체 장해를 입기 쉽다. 또한 위험 부위에 근접해 작업하는 경우가 많아 다른 작업에 비해 위험성이 크다. 프레스작업은 대부분 소규모 기업에서 이뤄지며 다품종 소량생산 위주여서 대체로 안전대책이 미흡하다.

## Хавфсизлик учун асосий хатарлар 주요 유해·위험 요인

- Ҳимояловчи мосламани ишга солмасдан ишлаганда қолип тортиб кетиши
  프레스 안전장치를 부착하지 않고 작업 중 금형 사이에 끼임
- Оёқ педалидан фойдаланиш икки материални икки қўл билан чиқариб олишда қолип тортиб кетиши
  풋스위치를 사용해 양손으로 소재를 투입하고 꺼내는 작업 중 금형 사이에 끼임
- Қолипга материални нотўғри қўйиш натижасида синган қолипдан отилиб чиққан парчаси келиб ишчига тегиши
  소재가 금형에 제대로 투입되지 않은 상태에서 프레스 가공 중 파손된 금형 파편에 맞음
- Икки киши бўлиб ишлаганда, сигналларда тушунмовчилик сабабли тушаётган шток уриб юбориши
  2인이 공동작업 중 신호불일치로 하강하는 슬라이드에 부딪힘



## Хавфсизлик тадбирлари рўйхати 안전점검 체크리스트

| Текшириш элементлари 점검항목 | Текшириш натижалари 점검결과 | Эҳтиёт чоралари 조치사항 |
|---|---|---|
| Қолипни таъмирлаш, текшириш ёки алмаштириш вақтида ҳимояловчи блокиратордан фойдаланиладими?<br>금형 등의 수리·점검·교체작업 시 안전블럭이 사용되고 있는가? | | |
| Барча ҳимояловчи мосламалар, шу жумладан, ушлаб қолувчи ҳимоя мосламаси, тўсувчи типдаги ҳимояловчи мослама ва икки қўлни ҳимояловчи мосламалари тўғри ишлаяптими?<br>프레스 안전장치(손쳐내기식, 가드식, 양수조작식 방호장치 등)는 정상적으로 작동하는가? | | |
| Ишни бошлашдан олдин иш кийими ва иш жойи тозалаги ва ускуналар текшириладими?<br>작업시작 전 복장, 작업장 정리정돈, 기계점검을 실시하였는가? | | |
| Тепа/паст болтлар ва гайкалар маҳкам буралганми?<br>상·하형 볼트 및 너트의 체결상태는 양호한가? | | |
| Белгиланган қўл куролларидан фойдаланиладими?<br>정해진 수공구를 사용하는가? | | |
| Педал устида кожух борми?<br>풋스위치 상부에 덮개가 설치되어 있는가? | | |
| Тасма ва маховикда кожух борми?<br>벨트, 플라이 휠 등의 덮개는 부착되어있는가? | | |
| Электр таъминот кабели изоляция қилинганми?<br>전원케이블 절연상태는 양호한가? | | |
| Оператор кулокчин ва ҳимояловчи этикдами?<br>작업자는 귀마개, 안전화를 착용하고 있는가? | | |

# Прессдан хавфсиз фойдаланиш қоидалари

프레스 작업 안전

## Меҳнат хавфсизлиги эҳтиёт чоралари 주요 안전대책

Прессни ишлатишда эҳтиёт чораларини кўриш лозим, чунки ишчиларнинг қўлини қолип сиқиб қўйиш каби бахтсиз ҳодисалар жуда кўп содир бўлади.

프레스는 작업 중에 작업자가 금형 사이에 손을 집어넣는 등 위험성이 높기 때문에 위험 방지를 위한 조치가 필요하다.



- Юк узатишни автоматлаштиринг ёки ишчи тана қисмлари кириб қолишини олдини олувчи тўсиқ ўрнатинг.
  가공재 송급을 자동화하거나 가드를 설치해 위험한계 내에 신체의 일부 가 들어가지 않도록 한다.
- Ишчининг қўли пресснинг ичига хавфли чуқурликка кирса, болғани автоматик равишда тўхтатадиган тизимни ўрнатинг.
  손이 위험한계에 들어갔을 때는 슬라이드가 급정지하는 구조여야 한다.
- Ёт предметни олиб ташлаш ёки техник хизмат кўрсатишдан олдин пресс ишлашини тўхтатиб, электр таъминотни ўчириш керак.
  이물질 제거, 정비·수리 시 프레스 운전을 정지하고 전원을 차단한다.




- Пресс оператори уни бошқариш ва ҳимоялаш мосламалари калитлари билан ўзи ишлаши ва уларни сақлаши керак.
  프레스 행정 전환스위치 및 안전장치의 열쇠는 프레스작업 책임자가 보관 및 관리하도록 한다.
- Ишчи материални қўл кучи билан солиши ва прессдан олишига йўл қўймаслик учун рулон очувчи, текисловчи ва етказиб берувчи мосламаларни ўрнатинг.
  근로자가 직접 소재를 공급하거나 꺼내지 않도록 언코일러, 레벨러, 피더 등을 설치한다.
- Қолипни алмаштиришдан олдин болға тушишини олдини олиш учун ҳимояловчи блокиратор ўрнатинг.
  금형 교체 시 슬라이드의 하강을 방지하기 위해 안전블록을 설치한 후 작업을 실시한다.
- Бошқа ишчи педални бехосдан босиб юбориши ёки педал устига бирор нарса тушиб кетишини олдини олиш учун педал устига кожух ўрнатинг
  풋스위치 상부에 덮개를 부착하여 작업자 실수에 의한 작동 또는 물건의 떨어짐으로 인한 오작동을 예방한다.
- Ишчи тана қисмларини қолип тортиб кетмаслиги учун у масофани сақлаши керак. Энг хавфсиз йўли бу материал солиш ва прессдан маҳсулотни олишнини автоматлаштиришдир, бунинг имкони бўлмаса, пресс билан ишлаганда қўл қуролларидан фойдаланиш керак.
  끼임 재해를 예방하기 위해서는 작업자의 손 등 신체의 일부가 금형 사이로 들어가지 않도록 하는 것이 최선의 방법이다. 이를 위해 소재의 공급 및 배출을 자동화하는 것이 최선의 방법이나 이것이 불가능할 경우 수공구를 적절히 사용하는 것도 하나의 방법이다.

Ишдан олдинги хавфсизлик техникаси текшируви
작업 전 안전점검

# Кесиш дастгоҳлари

전단기

Иншоотга қараб 설비별

조심조심 코리아
작업전 안전점검
당신의 생명을 지킵니다
2016 - 교육미디어 - 850

Uzbekistan

Кесиш дастгоҳи бир жуфт пичоқ ёрдамида метал ёки метал бўлмаган материаллар кесадиган ускуна. Кесиш дастгоҳини ишлатишда қўл жароҳатланиши хатари катта бўлади. Автоматлашган материал етказиб берувчи/чиқарувчи каби ҳимояловчи мосламалар ёки оператор материал солганда унинг қўлларини тиғдан ҳимояловчи кожух каби зарурий ҳимоя мосламалари ўрнатилган бўлиши керак. Бундай ҳимояловчи мосламалар фотоэлектр тур ёки икки қўлда бошқариш турларига бўлинади.

전단기는 상·하의 칼날 사이에 금속 또는 비금속 물질을 넣고 전단하는 기계를 말한다. 전단기에 있어서는 작동중 날에 의한 수지(手指)를 절단할 위험이 많기 때문에 가공물의 자동송급 배출장치를 설치하거나, 절단선은 보이고 가공물은 들어가지만, 손가락은 날 부위에 닿지 않도록 울을 설치하는 것이 필요하다. 안전장치에는 광전자식, 양수조작식 등이 사용된다.

## » Хавфсизлик учун асосий хатарлар 주요 유해·위험 요인

- Ишчининг қўлларини пичоқлар кесиб ташлаши
  작업 중 전단 날과 베드 사이(위험한계)에서 작업자 손 절단
- Икки киши бўлиб ишлаганда, ишчилар ўртасида сигналли мулоқотнинг яхши йўлга қўйилмаганлиги боис пичоқ огоҳлантиришсиз пастга тушиб, ишчининг қўлини кесиб юбориши
  2인 1조 공동 작업 시 신호 불일치로 인한 슬라이드 불시 하강 등 작업자 손 절단




## Хавфсизлик тадбирлари рўйхати 안전점검 체크리스트

| Текшириш элементлари<br>점검항목 | Текшириш натижалари<br>점검결과 | Эхтиёт чоралари<br>조치사항 |
|---|---|---|
| Пичоқ кожухлари ўрнатилганми? Фотоэлектр ҳимояловчи мосламаси ўрнатилганми?<br>전단 날 전면 방호가드, 광전자식 방호장치 등이 부착되어 있는가? | | |
| Оператор турадиган оёқ қўйиш таянчи сирпанчиқмасми?<br>작업용 발판의 보도면이 쉽게 미끄러지거나 넘어지지 아니한 상태인가? | | |
| Дастгоҳнинг устки кожухи ерга уланганми?<br>기기 외함 접지 등 전기 감전 예방조치는 적절한가? | | |
| Бошқариш панели ва авариявий тўхтатишни талаб қиладиган бошқа жойларда авариявий тўхтатиш тугмаси ўрнатилганми? У қўл етиши осон бўлган жойдами?<br>비상정지장치는 각 제어반 및 그 밖의 비상정지를 필요로 하는 개소에 설하되, 접근이 용이한 곳에 배치되어 있는가? | | |
| Кичик ва энсиз материаллар қўл қуроллари ёрдамида кесиладими?<br>작고 폭이 좁은 소재는 수공구를 사용하는가? | | |
| Кесиш дастгоҳининг оёқ педали ҳимояловчи кожух билан жиҳозланганми?<br>전단기의 발 조작용 페달에는 덮개는 부착되어있는가? | | |
| Икки киши бўлиб ишлаганда хавфсизликни таъминлаш учун самарали сигналли мулоқот тизими жорий қилинганми?<br>2인1조 공동 작업 시 안전한 작업을 위한 신호는 확립되어있는가? | | |
| Иш ҳудуди ва унинг атрофлари саранжом ва тозами?<br>작업장 주변은 자재, 이물질 등 정리정돈이 되어있는가? | | |
| Ишчилар ҳимояловчи этик ва қўлқоп кийишадими?<br>작업자는 안전화, 보호장갑 등을 착용하고 있는가? | | |
| Техник хизмат кўрсатиш ва тозалашдан олдин электр таъминоти ўчирилиб, “Ишга туширилмасин” ёзуви осиб қўйиладими?<br>정비, 수리, 청소 등의 작업 시 전원차단 및 조작금지 표지를 부착하는가? | | |

산업재해예방 안전보건공단

# Кесиш дастгоҳидан хавфсиз фойдаланиш

전단기 안전작업

## Хавфсиз ишлаш усули 작업 안전수칙




- Фотоэлектрли ёки икки қўлда бошқариладиган типдаги ҳимоя мосламаси ўрнатиган ва улар ишчи ҳолатда эканлигини текширинг.
  미동조작/양수조작식 안전장치가 부착되어 있으며, 정상 작동되는지 작업 전 확인해야 한다.
- Ишни бошлашдан олдин авариявий тўхтатиш мосламаси тўғри ишлашини текширинг.
  비상정지스위치가 정상 작동되는지 작업 전 확인해야 한다.
- Кесиш дастгоҳининг ташқи кожухи ерга улангaнлигини текширинг.
  전단기 외함에 접지가 되어 있는지 확인해야 한다.
- Педалли ўчириш-ёқиш тугмасининг тепа қисми ҳимояловчи кожух билан жиҳозланганлигини текширинг.
  페달 스위치 상부에 안전덮개가 부착된 것을 사용하는지 확인해야 한다.
- Икки киши бўлиб ишлаганда сигнал орқали мулоқот қилиш тизими мавжуд ва жорий қилинганлигини текширинг.
  2인 1조 공동 작업 시 연락신호를 정확하게 한 다음 작업하는지 확인해야 한다.
- Кичик ва энсиз материалларга ишлов беришда доим қўл куролларидан фойдаланинг.
  작고 폭이 좁은 소재는 반드시 수공구를 사용해야 한다.
- Вилкали кўтаргичда ташилаётган пўлат листлар тушиб кетмаслигини таъминланг. Вилкали кўтаргич атрофида бўлганларни эътибордан қочирманг.
  철판이나 절단된 철판을 지게차로 운반할 때는 철판의 낙하를 방지하고 주위 작업 근로자와 충돌 하지 않도록 유의한다.
- Техник хизмат кўрсатиш ёки тозалашдан олдин кесиш - дастгоҳининг электр таъминотини ўчиринг.
  전단기의 보수점검이나 청소작업 시에는 기계의 전원을 차단 후 실시한다.
- Ҳимояловчи пойабзал, беруши ва махсус кийим - бош кийинг.
  안전화, 귀마개, 지정작업복 등 보호 장구를 착용한다.
- Иш худуди атрофидаги материаллар ва қисмлар хавфсиз ҳолатда эканлигига ишонч ҳосил қилинг. Ишни тугаллагач, иш жойини саранжомланг ва тозаланг.
  작업장 주변의 재료, 부품 등이 안전한 상태로 있는지 점검하여 작업 후 정리 정돈 및 청소를 깨끗이 한다.
- Дастгоҳнинг бирор бир қисмидан нормал бўлмаган иссиқлик ёки шовқин чиқишини текшириш учун уни юкламасиз ишлатиб, ишни бошлашдан олдин текшириб олинг. *Қишда ўн дақиқа, ёзда беш дақиқа.
  작업 전에 공회전을 시키면서 각부의 이상발열·소음 등 이상 유무를 파악한다. (동절기 : 약 10분, 하절기 : 약 5분 정도)
- Сирпанувчи қисмларни мойланг. Кунига бир марта мой суртинг.
  슬라이드 부분의 급유는 적당히 공급해야 한다. (1일 1회에 10~15번 정도 기어오일 작동)
- Кесиш дастгоҳида фақат рухсати бор ишчилар ишлаши керак.
  담당자외에는 설비를 가동하거나 조작하지 않는다.



Ишдан олдинги хавфсизлик техникаси текшируви
작업 전 안전점검

# Вилкали юклагичлар
지게차

조심조심 코리아
작업전 안전점검
당신의 생명을 지킵니다
2016 - 교육미디어 - 851
Uzbekistan

Вилкали юклагич бу мотор билан кувватланадиган ва юк ташишга мўлжалланган машина. У кўпинча саноат соҳасида юкларни ташиш ва ортиш учун фойдаланилади. Вилкали юклагичлар тўқнашиш ёки босиб кетиш натижасида кўп сонли юз берадиган ўлим ҳолатларига сабабчи бўлади.
지게차는 내연기관을 동력으로 하는 기계로써, 중량물을 싣거나 내리는 하역 전용의 특수 자동차이다.
대부분의 산업 현장에서 운반 및 하역 기계로 사용되고, 부딪힘, 깔림 등에 의한 사망사고가 많이 발생하는 기계이다.

## Хавфсизлик учун асосий хатарлар 주요 유해·위험 요인

- Хавфсизлик камари тақилмагани натижасида олинган жароҳатлар
  안전벨트 미착용으로 인한 재해
- Кўриш майдони тўсилиб қолиши, тажрибасиз ҳайдовчи ёки тезликни ошириш натижасида содир бўлган бахтсиз ҳодисалар
  운전자 시야불량, 운전미숙, 과속으로 작업자와 부딪힘 재해
- Вилкали юклагич оғирлик маркази қияликда кескин бурилишда кўтарилиб кетиши натижасида юз берадиган бахтсиз ҳодисалар
  경사면 또는 무게중심 상승상태에서 급선회로 넘어짐 재해
- Вилкали юклагич ишлайдиган ҳудудларга ишчилар киришини тегишлича назорат қилинмагани сабабли юз берган бахтсиз ҳодисалар
  지게차 작업위험 구역에 근로자 출입으로 부딪힘



## Вилкали юклагичдан фойдаланиишдан олдин текшириш 작업을 시작할 때의 점검항목




산업재해예방 안전보건공단

# Вилкали юклагичлардан хавфсиз фойдаланиш

지게차 안전작업 방법

## Вилкали юклагичда ишлашда кўриладиган эҳтиёт чоралари 작업전 지게차 안전작업




- Вилкали юклагичда бажариладиган ишларни режалаштириш ва оператор тайинлаш
  지게차 작업계획서 작성 및 작업지휘자 지정·배치
  - Иш ҳудудининг катталиги ва юзасининг рельефи
    당해 작업장소의 넓이 및 지형
  - Вилкали юклагичнинг турлари ва функциялари
    지게차의 종류 및 능력
  - Юк турлари ва шакллари
    화물의 종류 및 형상
  - Вилкали юклагич ишлайдиган йўлаклар ва унинг ишлаш услублари
    지게차의 운행 경로 및 작업방법 등
- Вилкали юклагичда ишлашдан олдин уни текшириш ва созлаш
  지게차의 작업 시작 전 점검 및 조치 실시
  - Тормозлар ва бошқариш элементлари
    제동장치 및 조종장치 기능
  - Ортиш мосламаси ва гидравлик тизим
    하역장치 및 유압장치 기능
  - Олд ва орт чироқлар, бурилиш ишора чироқлари ва товушли сигнал
    전조등 후 미등 방향 지시기 및 경보장치 등의 이상유무
- Вилкали юклагичларда рухсат олган оператор ишлаши керак.
  유자격자에 의한 지게차 운전
- Вилкали юклагич ва пиёдалар учун йўлакларни аниқ белгиланг.
  지게차 운행 통로 및 근로자 안전통로 구분 표시
- Юк вазн чекловларига риоя қилинг ва кескин бурилманг.
  중량물 적재 하중 준수 및 급선회 운행 금지
- Ишчилар махсус кийим - бошда бўлишлари керак.
  안전모 등의 보호구 착용 철저
- Вилкали юклагичлардан фақат кўзда тутилган мақсадларда фойдаланинг. Вилкали юклагичларда йўловчилар ўтириши ман қилинади.
  지게차 목적 외 사용 및 승차석 외 탑승금지
- Орқа суянчик, бош суянчиғи, олд ва орт чироқлар ва хавфсизлик камари каби ҳимояловчи мосламаларни ўрнатиб, уларнинг ишлашини текширинг.
  지게차 안전장치 설치 및 점검 : 헤드가드, 백레스트, 전조등, 후미등, 안전벨트
- Вилкали юклагичда тез юриш ман қилинади. Муайян иш муҳитига мос тезлик ўрнатилиб, унга риоя қилинади.
  지게차 과속 주행금지 : 제한속도 10㎞/h 등 사업장에 맞는 규정을 제정하여 준수하여 운행할 수 있도록 조치
- Вилкали юкортгичнинг икки баробар вазнини кўтара оладиган ва 16см. гача оралиққа эга ҳимояловчи том ўрнатиш
  지게차 헤드가드 설치 : 지게차의 최대하중의 2배 이상의 강도에 견디며 개구부의 간격이 16㎝ 미만의 헤드가드를 설치

OPEN 공공누리

Иншоотга қараб 설비별

Ишдан олдинги хавфсизлик техникаси текшируви
작업 전 안전점검

# Кўчма нарвонлар
이동식 사다리

조심조심 코리아
작업전 안전점검
당신의 생명을 지킵니다
2016 - 교육미디어 - 852

Uzbekistan

Бир колеяли нарвон ёки тираб қўйиладиган нарвон деб тўғри кўринишдаги ва бинонинг деворига тираб фойдаланадиган нарвонга айтилади. Зинали нарвон деб “A” шаклдаги шарнирли нарвон айтилади. Зинали нарвоннинг тиргаклари бурчагини ишдаги шароитга қараб ўзгартирса бўлади.
기대는 사다리(일자형 사다리)는 형상이 일자 형태로 되어있고 지붕, 벽 등 구조물에 기대어 사용하는 사다리를 말한다. 계단식 사다리는 형상이 A자 형태로 되어있고 힌지(Hinge)에 의하여 사다리 기둥의 각도를 일정한 범위에서 조절하면서 사용하는 사다리를 말한다.

## Хавфсизлик учун асосий хатарлар
주요 유해·위험 요인

- Бирор нарсани кўтариб турган ҳолатда уч нуқтага таянишнинг йўқолиши натижасида нарвондан йиқилиш
물건을 들고 사다리 상승 이동 등 3점지지 미확보로 떨어짐
- Бузилган ёки эскирган нарвондан йиқилиб тушиш 손상, 마모된 사다리 사용 중 떨어지거나 넘어짐
- Нарвон оёқларининг сирпанмайдиган таглигини ейилиши натижасида сирпаниб йиқилишда олинган жароҳат.
사다리 하부 미끄럼방지장치 손상으로 사다리 넘어짐



Бир колеяли нарвон
일자형사다리


Зинали нарвон
계단식사다리

## Умумий меҳнат хавфсизлиги қоидалари 일반적 안전조치

- Кенглиги камида 30 см ва поғоналари орасидаги масофа тенг бўлиб, вертикал интервали 25-35 сантиметр бўлган кўчма нарвонлардан фойдаланинг.
이동식 사다리 발판의 수직간격은 25~35㎝ 사이, 폭은 30㎝ 이상으로 제작된 사다리를 사용한다.
- Нарвон сирпаниб кетиши натижасида юз берадиган бахтсиз ҳодисаларни олдини олиш учун кўчма нарвонларни текис ва қаттиқ ерга қўйинг.
이동식 사다리는 평탄하고 견고한 지반, 바닥에 설치하여 사다리의 기울어짐 또는 전도(넘어짐)에 의한 떨어짐 재해를 방지한다.
- Полда оёқлари сирпанмайдиган таглик билан жиҳозланган нарвондан фойдаланинг.
사다리 기둥 하부에 마찰력이 큰 재질의 미끄러짐 방지조치가 된 사다리를 사용한다.
- Иш жойига баландлиги тўғри келадиган нарвон ишлатинг. Нарвонни баландроққа етказиш учун уни тагига ғишт, коробкага ўхшаш нарсалар қўйманг.
작업장소의 높이에 적정한 사다리를 사용하고, 추가적인 높이를 확보하기 위한 벽돌, 박스 등의 사용을 금지한다.
- Кўчма нарвонни тик ҳолатда қўйманг. Зинали нарвоннинг оёқларини ўта кенг очиб ишлатманг.
이동식 사다리를 수평으로 눕히거나 계단식 사다리를 펼쳐 사용하는 것을 제한한다.
- Нарвон сирпаниши натижасида унда ишлаётган ишчининг йиқилиши эҳтимоли бўлса, кўчма нарвонни маҳкам ушлаб туриш учун бир кишини бириктиринг.
이동식 사다리의 넘어짐, 미끄러짐에 의한 근로자의 떨어짐 위험이 있을 때에는 보조자로 하여금 사다리를 잡게 해 균형을 유지한 상태에서 작업한다.




산업재해예방 안전보건공단

# Кўчма нарвонда хавфсиз ишлаш

이동식 사다리 이용 작업안전

## Бир колеяли нарвон 기대는 사다리(일자형 사다리)

- Бир колеяли нарвонларни деворга 75 градус ёки ундан камроқ бурчакка тираб қўйиш керак. Нарвоннинг таги қисми ва девор ўртасидаги масофа нарвон узунлигининг тўртдан бир қисмини ташкил қиладиган масофага тенг бўлиши керак.
  기대는 사다리의 설치각도는 수평면에 대하여 75도 이하를 유지하고, 사다리 높이의 1/4 길이의 수평거리를 유지하도록 설치한다.
- Бир колеяли нарвоннинг тагида ўрнатилган горизонтал созлаш мосламаси пўлат ёки ёғочдан ясалган бўлиши керак ва тепадаги ишлаётган кишининг вазнини кўтара олиши керак.
  기대는 사다리 하부에 설치하는 수평조절장치는 작업 중 상부의 하중을 충분히 지지할 수 있도록 철재, 목재 등으로 견고하게 설치한다.
- Иш худудига чиқиб-тушиш учун ишлатиладиган бир колеяли нарвон деворга тиралган жойидан камида 60 сантиметрга ёки уч поғонага юқорига чиқиб туриши керак.
  작업장소의 상하부 간 이동을 위하여 기대는 사다리를 사용할 경우 사다리의 상단은 걸쳐놓은 지점으로부터 60㎝ 이상 또는 사다리 발판 3개 이상을 연장하여 설치한다.
- Агар нарвон сирпаниши ёки қулаши эҳтимоли бўлса, уни тепа ва (ёки) пастидан маҳкамланг.
  기대는 사다리의 미끄러짐, 전도 등으로 떨어짐 위험이 있는 경우에는 사다리의 상부 또는 하부를 고정한다.

## Зинали нарвон 계단식(A형) 사다리

- Зинали нарвонда ҳаракатланганда ва ишлаганда, ўчта нуқта -- қўлларингиз, оёқларингиз ва тиззаларингиз -- ёрдамида нарвонга суянинг.
  계단식 사다리에서 이동하거나 작업할 경우에는 손, 발, 무릎 등 신체의 일부를 사용하여 3점 접촉 상태를 유지한다.
- Зинали нарвоннинг энг юқори уч поғонасида ишламанг.
  계단식 사다리는 상부 3개 발판으로부터 최상부 발판에서는 작업을 금지한다.
- Зинали нарвондан фойдаланганда, нарвон оёқлари йирилиб кетмаслиги учун уларни фиксатор билан маҳкамланг.
  계단식 사다리를 사용할 경우 사다리 기둥의 벌어짐에 의한 추락재해를 예방하기 위하여 잠금장치를 설치한 상태에서 작업한다.
- Томга чиқиш учун зинали нарвондан фойдаланиш ман қилинади.
  작업장에서 지붕으로 이동할 경우 계단식 사다리는 사용을 금지한다.
- Ишлаётганда доим нарвон поғонасининг ўртасида туринг. Фақат бир поғонада туриш натижасида нарвон ағдарилиб кетиши мумкин.
  계단식 사다리 측면에서의 작업은 사다리 전도에 의한 떨어짐 위험이 있으므로 사다리 정면에서 작업한다.

OPEN 공공누리

Ишдан олдинги хавфсизлик техникаси текшируви
작업 전 안전점검

# Транспортер
컨베이어

조심조심 코리아
작업전 안전점검
당신의 생명을 지킵니다
2016 - 교육미디어 - 892
Uzbekistan

Транспортер бу белгиланган масофага хом-ашё ёки материалларни автоматик ёки тўхтовсиз равишда етказиб бериш учун мўлжалланган механик қурилма. Транспортер тасмаси резина, мато, сим тўр ёки пўлат плиталардан ясалган бўлиши мумкин. Транспортер тасмаси асосан резинадан ясалади.
일정거리 사이를 자동·연속적으로 재료나 물건을 운반하는 기계장치로, 컨베이어 상부는 고무, 직물, 철망, 강판 등으로 만들어진 벨트를 순환시켜서 그 위에 물건을 올려놓고 연속으로 운반하는 장치이다. 컨베이어 벨트로 고무 벨트가 가장 많이 사용된다.

## Хавфсизлик учун асосий хатарлар 주요 유해·위험 요인

- Ишлаб турган транспортернинг тагини тозалаётганда ёки текшираётганда унга кириб қолиш
  가동 중인 컨베이어 하부 퇴적물 청소, 점검 작업 중 끼임
- Ишлаб турган транспортени текшираётганда, таъмирлаётганда ёки тозалаётганда унга кириб қолиш
  가동 중인 컨베이어 점검, 수리, 청소 작업 중 끼임
- Ҳимояловчи девор ёки кожух билан жиҳозланмаган айланиб турган транспортер ёки унинг ҳаракатланаётган қисмига кириб қолиш
  회전부, 동력전달부 등 방호울, 방호덮개 미설치된 장소에서 끼임



## Хавфсизлик тадбирлари рўйхати 안전점검 체크리스트

| Текшириш элементлари 점검항목 | Текшириш натижалари 점검결과 | Эхтиёт чоралари 조치사항 |
|---|---|---|
| Транспортер тасмасида авариявий тўхтатиш тугмаси борми, у тўғри ишлайдими?<br>컨베이어 라인에 비상정지장치가 설치되고 정상적으로 작동하고 있는가? | | |
| Транспортер эстакадаси ёки текшириш канали ҳимояловчи тўсиқ билан ўралганми?<br>컨베이어 건널다리나 점검통로 주변에 안전난간이 설치되어 있는가? | | |
| Транспортернинг мотор блокига ҳимояловчи тўсиқ ёки кожух ўрнатилганми?<br>컨베이어의 동력전달 부분에 덮개 또는 울이 설치되어 있는가? | | |
| Транспортер атрофидаги йўлакдан халақит берувчи нарсалар олиб ташланганами?<br>컨베이어 주변 통로는 정리정돈 되어 있는가? | | |
